



# МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!



1918-yil  
21-iyundan chiqa  
boshlagan

№34-35, 2021-yil 1-sentabr,  
chorshanba (32.677)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

*Barchaga g'amxўrlilik — davlatning burchi*

# O'zbekiston OVOZI

КЕЧА ПОЙТАХТИМИЗДАГИ "ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН" МАЖМУАСИДА МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 30 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ БАЙРАМ ЎТКАЗИЛДИ. УНДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ХАЛҚИМИЗНИ МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ БИЛАН ТАБРИКЛАДИ. ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ ДАВЛАТЧИЛИК АСОСЛАРИ, ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ, ИЖРО ЭТУВЧИ ВА СУД ҲОКИМИЯТЛАРИ ШАКЛЛАНДИ. МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИ ВА СУВЕРЕНИТЕТИНИ, САРҲАДЛАРИМИЗ ДАХЛСИЗЛИГИНИ, ХАЛҚИМИЗНИНГ ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА ҲАЁТИНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ҚОДИР БЎЛГАН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР БАРПО ЭТИЛДИ.

ВАТАНИМИЗ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИДАН МУНОСИБ ЎРИН ЭГАЛЛАДИ.

ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТИМИЗНИНГ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИНИ МУСТАҲҚАМЛАШ, МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, БУ ЖАРАЁНДА ПАРЛАМЕНТ ВА СИЁСИЙ

ПАРТИЯЛАРНИНГ РОЛИНИ, ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ КУЧАЙТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН КЕНГ КўЛАМЛИ ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР ЖАДАЛ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

МАМЛАКАТИМИЗДА АҲОЛИНИ УЙ-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА 2017-2020 ЙИЛЛАР ДАВОМИДА 140 МИНГДАН ЗИЁД АРЗОН ВА СИФАТЛИ УЙ-ЖОЙЛАР БУНЁД ЭТИЛДИ.

ЁШЛАРНИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ БИЛАН ҚАМРАБ ОЛИШ ДАРАЖАСИ 2016 ЙИЛГИ 9 ФОИЗДАН 28 ФОИЗГА ЕТКАЗИЛДИ.

ЮРТИМИЗДА СЎНГГИ 5 ЙИЛДА 64 ТА ЯНГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛИБ, УЛАРНИНГ СОНИ 141 ТАГА ЕТКАЗИЛДИ. ҚАБУЛ КВОТАСИ 3 БАРОБАР ОШИРИЛДИ.

ЎЗИНИ ЎЗИ ИШ БИЛАН БАНД ҚИЛГАН АҲОЛИ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТ ЯРАТИШ НАТИЖАСИДА БИР ЙИЛДА 500 МИНГ НАФАР ФУҚАРО РЎЙХАТДАН ЎТИБ, ФАОЛИЯТИНИ ҚОНУНИЙ АСОСДА ЙЎЛГА ҚўЙДИ.

ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ ТИЗИМИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИЛИБ, МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНОТИ КУЧАЙТИРИЛДИ.

## МУҚАДДАС ВА МУСТАҲҚАМ ТУЙҒУ

**Мустақиллик бизнинг энг муқаддас туйғумиз, буюк неъматимиз, энг олий қадриятимизга айланди. Ўтган йиллар давомида ҳаётимизда, онгимизда, турмушимизда, маънавий ҳаётимизда катта ўзгаришлар содир бўлди.**

30 йил аввал мамлакатимиз жар ёқасига келиб қолган, иқтисодий инқирозга учраган, бир ёқлама ривожланган, пахта яккаҳоқимлигига асосланган давлат эди. Бугун эса ўз тараққиёт йўлини танлаб олган, ривожланиб бораётган саноат индустриясига эга, рақобатбардош экспорт маҳсулотлари чиқариб, жаҳон бозорларида ўз ўрнига эга бўлиб бораётган мамлакатдир.

Кўнгли синик, эртанги кунга ишончи йўқолиб бораётган халқ эдик. Айни пайтда жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшган мутафаккир-алломаларимиз, аждодларимиз руҳини шод этаётган, буюк уч минг йиллик давлатчилик тарихидан ҳақли равишда фахрланадиган халқ, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига айланаётган мустақил давлатимиз.

Аммо, тараққиёт йўлимизда ижтимоий муаммолар йўқ эмас. Айрим пайтларда муаммоларни ечиш ўрнига, майда масалалар атрофида тортишиб қолаётганга ўхшаймиз. Фидойилик кечагидан кўпроқ, сифатлироқ, унумлироқ ишлашни, фикр қилишни, мушоҳадани, таҳлилни, хулоса чиқаришни, самара ва натижани кўзлаб иш юритишни талаб этади.

Обод турмуш фақат истақ, хоҳишлар билангина пайдо бўлмайди. Бунинг учун ҳаракат, курашиш, тинимсиз меҳнат қилиш зарур.


Тан олиш лозимки, жамиятимизда камчиликлар, хатолар ҳам тўпланиб қолган. Бундай муаммолар ижтимоий, иқтисодий, маънавий-мафкуравий ҳаётимизнинг аксарият жабҳаларида мавжуд бўлиб, уларни ҳал этиш катта сафарбарлиқни талаб этади. Давлат ташкилотлари билан халқ ўртасидаги алоқалар расмийлашиб кетганлиги, шунингдек, оддий инсоннинг ғам-ташвишлари, мавжуд адолатсизликлар айрим катта ва кичик амалдорлар томонидан эътиборга олинмаётганлигидан кўз юмиб бўлмайди. Коррупция кўринишлари деярли барча соҳаларда мавжудлиги кўзга ташланмоқда.

Барчага ғамхўрлик давлатнинг бурчига айланиши зарур. Зеро, ўз халқи ҳақида қайғурадиган давлат қадр топади, юксалади. Ўзининг давлат томонидан ижтимоий ҳимояланганлигини ҳис қилган шахслар эса мана шу давлат учун фойда келтиришга ҳаракат қилади. Ҳукуматнинг асосий вазифаси аҳоли яхши турмуш кечириши учун зарур бўлган миқдорда даромад олиши мумкин бўлган иш ўринларини яратишдир.

Давлат фуқароларнинг фаровон яшashi учун ҳаракат қилиб, барча масалаларда қонун устуворлигини таъминлай олсагина, фуқароларда ҳам ижтимоий масъулият, дахлдорлик ҳисси ортади. Шунда мустақил тараққиёт йўлимизда катта ютуқларга эришамиз. Йиллар ўтаверади. 35 йиллик санани ҳам кўз очиб юмгунча кутиб оламиз. Ўйлайманки, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириб, уларга муносиб иш ўринларини яратиб берсак, реал даромадларини оширишга эриша оلسак, давлатимизнинг қудрати ҳам юксалиб бораверади.

Ана шундай умидбахш кайфиятда халқимизни, сайловчиларимизни, электоратимиз вакиллари энг улуг, энг азиз байрамимиз билан чин дилдан табриқлайман. Барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат, масъулиятли ва шарафли фаолиятингизда улкан зафарлар, қут-барақа ва хотиржамлик ҳамиша ёр бўлишини тилаб қоламан.

**Мақсуда ВОРИСОВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги  
ЎзХДП фракцияси аъзоси, ЎзХДП Марказий  
Кенгаши раиси ўринбосари.





## Байрамингиз билан табриклаймиз!

1-sentabr, chorshanba, 2021-yil.  
№34-35 (32677)

**ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА ХИЗМАТ ҚИЛИШ, ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ВА ПЕШОНА ТЕРИ ЭВАЗИГА МЕҲР ВА ЭЪТИБОР ҚОЗОНИШНИНГ ҚАДРИ БОШҚАЧА БЎЛАДИ. АЙНИҚСА, МЕҲНАТЛАР САМАРАСИ ЎЛАРОҚ ДАВЛАТ МУКОФОТИ ДАРАЖАСИДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛСА, ЭЪТИРОМГА МУНОСИБ ТОПИЛСА, БУ ИККИ ҲИССА БАХТДИР.**

**ШУ КУНЛАРДА ДАВЛАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИ 30 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТУРЛИ СОҲА ВАКИЛЛАРИ ЮКСАК ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАР БИЛАН ТАҚДИРЛАНМОҚДА. УЛАР ОРАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ЖОНКУЯР ҲАМДА ФАОЛ АЪЗОЛАРИ, СЕНАТОР ВА ДЕПУТАТЛАР ҲАМ БОРЛИГИ ҚУВОНАРЛИДИР. ПАРТИЯДОШЛАРИМИЗНИ МУКОФОТЛАР БИЛАН ТАБРИКЛАШ АСНОСИДА, УЛАРНИНГ ҲАЯЖОНЛАРИ, ҚАЛБ КЕЧИНМАЛАРИГА ШЕРИК БЎЛДИК.**



# МУКОФОТЛАР МУБОРАК, ПАРТИЯДОШЛАР!



**Шавкат АЮПОВ,**  
Фанлар академияси  
Математика институти  
директори, академик,  
Ўзбекистон Қаҳрамони:

— Одатда, кечки "Ахборот" дастурларини кузатаман. Мукофот эълон қилинган кун ҳам телевизор томоша қилиб ўтирган эдим. Президент фармони эълон қилиниб, "Ўзбекистон қаҳрамони" унвонини олганлар қаторида ўзимни кўриб, жуда ҳам ҳаяжонландим. Бу қутилмаган ҳолатдан оила аъзоларим ҳам жуда хурсанд бўлди. Яқинларим, танишларим ва ҳамкасбларимнинг қутловлари, табриклари ҳалиям давом этаяпти. Эътироф ва эътибордан бошим кўкка етди. Чунки кичик меҳнатингиз давлат раҳбари томонидан юксак даражада эътироф этилса, мамнуният,

миннатдорлик ҳислари қалбингизни эгаллаб олар экан.

Сўнги бир неча йил ичида математика, илм-фан ривожига, техника тараққиётига бўлган эътибор янги босқичга кўтарилди. Бунда биз, олимларга алоҳида ҳурмат кўрсатишмоқда. Юксак мукофотни ҳам барча математикларга, соҳа олимларига берилган, деб ҳисоблайман. Сабаби, бир ўзимнинг қўлимдан кўп нарса келмайди. Бирдамликда, ҳамжиҳатликда ишлаш, яратилган муҳит ана шундай юксак унвонларга замин ҳозирлайди.

Болалигимдан математика фанига алоҳида меҳр қўйганман. Академик Тошмуҳаммад Саримсоқов менга устозлик қилган. Илмий ишнинг муддатидан олдин ёқлаб, ёш олимлар сафидан жой олдим. 30 ёшимда фан доктори бўлдим. Тўғриси, ўша даврда бу жуда катта воқеа саналарди. 36 ёшимда Фанлар академиясига муҳбир аъзо сифатида қабул қилинган бўлсам, 42 ёшимда академиклик мақомига эришдим. Афсуски, ушбу воқеадан кейин қарийб 22 йил Фанлар академиясига номзодлар сайланмади. Илм-фанга эътибор берилмай қўйди. Натижада кўплаб олимлар бошқа соҳаларга ўтиб кетишга мажбур бўлди.

Эндilikда у кунлар тарихда қолди. Юксак марраларни забт этиш учун фарзандларимизга билим берувчи яхши мутахассислар керак. Мактабда ҳам, олий таълимда ҳам малакали кадрларга эҳтиёжimiz катта. Таълимнинг ҳар бир босқичи бевосита кейингисига таъсир кўрсатар экан, нафақат педагоглар, балки ўқувчилар билим савиясини ошириб бориш керак. Замонавий билимларга эга бўлишда математика фанининг ўрни катта. Шу боисдан олдимизда жуда катта вазифалар турибди.

— Табиатан таъсирчан одамман. Инсон ота-онаси қилган хизмати учун рағбат кутмайди, раҳмат кутмайди. Уларнинг юмушини қилиб, хизматида бўлсанг, менга нима бераркин, деган умид бўлмайди, таъма бўлмайди. Ватанга хизматни ҳам ана шунга қийслаган мумкин. Ватан ҳам, юрт ҳам ота-онадек ягона, табаррук гўша.

Бизнинг бахтимиз шундаки, Ўзбекистондек юртда яшаймиз. Тўрт ёни тугал, тўрт фаслнинг гўзалликларидан баҳраманд олиш имкони бўлган диёрда дунёга келганимизнинг ўзи Худонинг бир рағбати. Ота-онамизнинг тарбиямиздаги ўрни ва меҳнати эса бу бахтни икки ҳисса оширади. Дадам оддий хизматчи, онам эса кутубхоначи бўлган. Онамнинг ордан эргашиб юрардим, мактабга бормасданок китобга меҳр қўйганман.

Кичик меҳнатлар ҳам эътироф этиладиган, каттароқ ишлар кўкларга кўтариладиган мамлакатда яшашимиз рост. Лекин эрталабдан кечгача ижод завқи билан юрган одам тақдирланиш ҳақида ўйлашга вақт тополмас экан.

Вилоят ҳокимининг махсус рақамларидан бир неча марта менга кўнғироқ бўлди. Кейин қабулхонага кўнғироқ қилдим. Шунда ҳоким мен билан гаплашмоқчи эканини айтишди. Бирор топшириқ кутганим, бирдан табрик эшитдим. Бунга байрам кутганим, бирдан табрик эшитдим. Бунга байрам кутганим, бирдан табрик эшитдим. Бунга байрам кутганим, бирдан табрик эшитдим.

Президентимизнинг вилоятимизга ташрифи чоғида сўхбатлашганим. Ана шунда у киши менга "Оддий мажлисда ўтирасизми, Олий Мажлисда ўтирасизми доим ёзиб ўтирасиз, фикрлаб ўтирасиз. Шу сабабли ҳам айтаётган гапларингизда ҳақиқат бор. Олиб борилаётган ислохотларни тушунганингиз учун, ҳис қилганингиз учун, халқ дардини билганингиз учун раҳмат сизга", деганди.

Эл-юрт ҳурмати бу ҳам халқимизнинг, ҳам давлатимизнинг ҳурмати, эътибори ва эътирофи демекдир. Шу сабабли нафақат бу рағбат ёки мукофот, барча маънавият, маърифат соҳасидаги инсонларга берилган ишонч, масъулиятдир. Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши аъзоси сифатида халқимиз манфаатларига хизмат қилувчи фоя ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, уларни тарғиб қилишда белни маҳкам боғлаб, ҳаракат қилиш мен учун бурч ҳамда шарафдир.



**Робия КАЗИМОВА,**  
Ўзбекистон ХДП Бухоро шаҳар кенгаши раиси,  
"Меҳнат шўхрати" ордени соҳибаси:

— Мен ҳар сафар мукофотланган танишларимни табриклаганимда уларга жуда ҳам ҳавас қилар эдим. Уларнинг ҳаяжони ва таассуротлари билан қизиқардим. Ана шундай вақтларда, табиийки, менинг ҳам меҳнатларим эътироф этилармикин, мукофот олиш насиб қилармикин, деган хаёл ўтарди. Зеро, ҳар бир инсон давлат раҳбарининг эътибори ҳамда эҳтиромини орзу қилади. Бироқ ишонч билан айта оламаники, чин қалбдан исталган ва асло қутилмаган ҳодиса юрагимни тўлқинлантириб, кўзларимга ёш келтирди. Президент фармони чиққан кун кимлар бор экан, танишлардан кимдир чиқармикин, деган хаёл билан фармонни ўқидим. Қарасам, ўзим ҳам бор эканман. Худоба шукроналар келтирдим.

Узим учта олий ўқув юртини битирганман. Биринчи Москва халқ хўжалиги институтини битирганман. Кейинчалик Бухоро давлат университети инглиз тили филологияси факультети ҳамда юқори даражадаги партия мактаби бўларди, шу ерни тамомлаганман. Халқ демократик партияси ташкил топган биринчи кунданок унинг аъзоси сифатида қайд этилганман. Фаолиятимнинг асосий қисми партия тизимида кечди. Вилоят ва шаҳар кенгашларида ишладим ва ҳозир ҳам унинг бир бўлаги сифатида ишимни давом эттиряпман. Бундан фахрланаман.



**Шарофиддин НАЗАРОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги  
Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси, "Дўстлик"  
ордени соҳибаси:

— Ўша кун кеч соат 10 ларда уйга қайтаётган эдим. Шу вақтда телеграм ижтимоий тармоғидан менга табриклар кела бошлади. Мустақиллик байрами билан табриклар бўлса керак, деб ўйладим. Кўзим тушди-ю, ўқиш-

га имкони бўлмади. Уйга етиб бориб, хабарларни ўқидим. Мукофот ва орден ҳақида гап кетган. Шунда фармонни қидириб топиб, ўз кўзларим билан кўргач, исм-шарифимни ўқимагунча ишона олмадим. Сабаби, қутилмаган бу хабар мени шошириб қўйди. Адашмадиммикин, деган хаёл ҳам йўқ эмас. Хурсандчилигимни оила аъзоларимга ҳам айтдим. Улар билан баҳам кўрдим.

Ҳамма айтган гап, деб ўйларсиз. Лекин бу мукофот берилгандан кейин ҳаяжон билан бирга ўзимда жавобгарлик, масъулият янада ошганини ҳис қиляпман. Бу шарафга, эътирофга муносиб бўлишим керак, деган ўй-хаёллар оғушида юрибман. Режалар тузаяман, макссадлар қиляпман. Ишимга бошқача кўз билан қараб, янгилик-



**Рустамбек ТУРСУНМУРАДОВ,**  
Сирдарё вилояти қасаба уюшмалари  
ташкilotлари бирлашмаси Кенгаши раиси,  
«Дўстлик» ордени соҳибаси:

— 42 йилдан буён турли ташкilotларда ишладим. Энг мамнун бўлганим шунки, одамларни рози қилишни ўргандик. Юртдошларимиз давлат идоралари олдида сарсон бўлишдан қутулди. Пенсия ва нафақалар олишдаги навбат қутишлар, нақд пул етишмовчилигию, бюрократия каби масалалар ҳал этилмоқда.

Хусусан, хотин-қизларнинг мушкуллари осон қилиш, уларнинг турмушидан мамнун бўлиб яшаш учун чора-тадбирлар йўлга қўйилган. Опа-сингилларимизнинг дардига қулоқ тутиб, уларнинг истакларини амалга ошириш, ҳаётинга мазмун олиб кириш борасида эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада қасаба уюшмасига алоҳида имконият берилиб, ишонч билдирилгани қувонарли ҳолдир.

Сўнги пайтда раҳбарлардан халқ рози бўлса, давлат ривожланиши, мамлакат тараққиёти этади ширинга садоқат билан ёндашиш талаб қилинмоқда. Халққа яқин бўлиш, уларнинг истакларига ҳамоҳанг фаолият олиб бориш орқали жамиятда обрў-эътиборга эришиш мумкин. Акс ҳолда, ишингизда на барака бўлади, на унум. Зеро, инсон ҳалол меҳнат ва пешона тери билан кадр топади. Бу йўлдаги камтарона меҳнатларим юксак кадрлангани, давлат мукофотида лойиқ топилганидан жуда ҳам хурсанд бўлдим.

Ҳамюртларимизни Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги билан чин қалбдан муборақбод этаман. Бизга билдирилган юксак ишонч ҳамда эътибордан куч олиб, халққа хизмат қилишдан чарчамай-миз. Одамларнинг фаровонлиги, осойишталиги, турмуш шароитининг яхшиланиши йўлида бу бизга куч-қувват бўлади, деб ишонч билан айта олам.

Фикрларни "Ўзбекистон овози" муҳбири Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА ёзиб олди.




**Зиёвиддин МАНСУРОВ,**  
Наманган вилояти  
ёзувчилар уюшмаси  
раиси, "Эл-юрт  
ҳурмати" ордени  
соҳибаси:

муносабати билан, деб мен ҳам у кишини табриклайдим. Шунда, байрам ҳаммамизники, у ўз йўлига. Лекин сиз "Эл-юрт ҳурмати" ордени олибсиз, деган жавоб эшитдим. Таъсирланганимдан, нафасим бўғзимга тегилиб, йиғлаб юбордим. Қалбимдаги ҳаяжон, фахр ва ифтихор туйғуларини сўзлар билан ифодалаб бера олмайман.

Ҳам хурсандчилик, ҳам миннатдорлик билан менинг номзодимни таклиф қилганларга раҳмат айтдим. Чунки, бирор бир анкета тўлдирмадим, сўроқ савол бўлмади. Қутилмаган хушxabар қалбимни тўлқинлантириб, чексиз қувонч бағишлади. Ана шунда шахсан давлат раҳбарининг ўзи эътибор кўрсатганини айтишди.

Президентимизнинг вилоятимизга ташрифи чоғида сўхбатлашганим. Ана шунда у киши менга "Оддий мажлисда ўтирасизми, Олий Мажлисда ўтирасизми доим ёзиб ўтирасиз, фикрлаб ўтирасиз. Шу сабабли ҳам айтаётган гапларингизда ҳақиқат бор. Олиб борилаётган ислохотларни тушунганингиз учун, ҳис қилганингиз учун, халқ дардини билганингиз учун раҳмат сизга", деганди.

Эл-юрт ҳурмати бу ҳам халқимизнинг, ҳам давлатимизнинг ҳурмати, эътибори ва эътирофи демекдир. Шу сабабли нафақат бу рағбат ёки мукофот, барча маънавият, маърифат соҳасидаги инсонларга берилган ишонч, масъулиятдир. Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши аъзоси сифатида халқимиз манфаатларига хизмат қилувчи фоя ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, уларни тарғиб қилишда белни маҳкам боғлаб, ҳаракат қилиш мен учун бурч ҳамда шарафдир.



Байрамингиз билан  
табриклаймиз!

1-sentabr, chorshanba, 2021-yil.  
№34-35 (32677)

# СОЛНОМА: 1991-2021

## 1991

• Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари 6-сессиясида Ўзбекистоннинг давлат Мустақиллиги эълон қилиниб, Республиканинг давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгашнинг Баёноти қабул қилинди. Тегишли қарор билан Ўзбекистон ССР Ўзбекистон Республикаси, деб аталди.

• Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида қонун қабул қилинди.

• 1 сентябрь — Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни — умумхалқ байрами.

• Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилди.

• Тошкентда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 1-таъсис қурултоғи бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 8-сессиясида "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

• Республиканинг давлат мустақиллиги тўғрисида умумхалқ референдуми ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтди. Ўзбекистон халқи республика Олий Кенгаши эълон қилган Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини маъқуллади. Биринчи марта яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган тўғридан-тўғри умумий ва муқобил асосдаги сайловда И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб ХДПдан сайланди.

## 1992

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг давлат герби тўғрисида" қонун қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясини тасдиқлади.

Қорақалпоғистон Республикаси Давлат байроғи тасдиқланди.

## 1993

Қорақалпоғистон Олий Кенгашининг 12 сессиясида Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси, Давлат герби қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 13-сессиясида "Лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида" қонун қабул қилинди.

## 1994

Ўзбекистоннинг олий даражадаги унвони — "Ўзбекистон Қахрамони" таъсис этилди.

Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси — сўм муомалага киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида Конституциявий Қонун қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловларнинг биринчи тури бўлиб ўтди.

## 1995

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтиришга бағишланган референдум бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 3-сессиясида "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

## 1996

Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ташкил этилди.

## 1997

Олий Мажлисининг 8-сессиясида "Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

"Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

Солиқ кодекси қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси қабул қилинди.

## 1998

"Ер кодекси" қабул қилинди.

"Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида" (янги тахрирда) қонунлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси тасдиқланди.



## 1999

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмига ташкил этилди.

Президент фармони билан "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисида"ги Низом тасдиқланди.

1-қақриққ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 15-сессиясида "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида" (янги тахрирда), "Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида" қонунлар қабул қилинди.

## 2000

— Президентлик сайлови бўлиб ўтди.

— Ўзбекистон Республикаси Мудофаа доктринаси қабул қилинди.

## 2001

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Оналар ва болалар" давлат дастури тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.

Хитойнинг Шанхай шаҳрида Ўзбекистоннинг "Шанхай форуми"га тўла ҳуқуқли аъзо бўлиши тўғрисидаги баёнот имзоланди. Ўзбекистон Президенти таклифи билан "Шанхай форуми" номи "Шанхай ҳамкорлик ташкилоти — ШХТ", деб ўзгартирилди.

Олий Мажлисининг 7-сессиясида "Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш тўғрисида" қарор қабул қилинди.

Қарорда 2002 йил 27 январда Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси парламентини икки палатали қилиб сайлашга, иккинчи масала Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколати муддатини беш йилдан етти йилга ўзгартиришга розилик масаласи қўйилди.

## 2002

Ўзбекистон Республикасида икки палатали парламентни тузиш масаласида референдум ўтказилди. Референдумда иштирок этган фуқароларнинг 93,65 фоизи икки палатали парламент тузишни ёқлаб овоз берди.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида" қонун қабул қилинди.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида" қонун қабул қилинди.

"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

## 2003

2-қақриққ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 11-сессиясида икки палатали парламент тузишининг ҳуқуқий асослари белгилаб берилди.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида",

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида" қонунлар қабул қилинди.

## 2004

Олий Мажлисининг 14-сессиясида "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

Маданият ишлари вазирлиги ва Давлат спорт кўмитаси негизда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташкил этилди.

## 2005

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига сайловлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги фармони эълон қилинди.

## 2006

Интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Ҳакамлик судларининг ташкил этилиши ва фаолияти қонун билан белгиланди.

## 2007

Ўлим жазоси бекор қилинди.

Президентлик сайлови бўлиб ўтди.

## 2008

Одам савдосига қарши курашни ташкил этиш қонун билан тартибга солинди.

Навоий эркин иқтисодий зонаси ташкил этилди.

Адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш бўйича Президент фармони эълон қилинди.

## 2009

Қонунчилик палатаси 150 депутатдан иборат бўлиши белгиланди (Конституциянинг 77- моддаси).

"Электр энергетикаси тўғрисида" ги қонун қабул қилинди

## 2010

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси эълон қилинди.

Суд экспертизаси соҳаси қонун билан тартибга солинди.

## 2011

Олий Мажлисга Бош вазир ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш ваколати берилди.

Президент ваколатлари 7 йилдан 5 йилга ўзгартирилди.  
Бош вазирга нисбатан ишонсизлик вотуми ҳақидаги норма мустаҳкамланди.

## 2012

"Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқининг кафолатлари тўғрисида"-ги қонун кучга кирди.

Демократик ислохотлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича "Ҳаракатлар дастури" қабул қилинди.

## 2013

"Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

Бюджет кодекси қабул қилинди.

## 2014

Марказий сайлов комиссиясига Конституциявий мақом берилди.

Олий Мажлисга сайловлар ўтказилди.

## 2015

"Электрон ҳукумат тўғрисида" қонун қабул қилинди.

Президентликка сайлов бўлиб ўтди.

"Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги қонун имзоланди.

## 2016

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримов вафот этди.

Президентлик сайловлари бўлиб ўтди ва унда Шавкат Мирзиёев ғалаба қозонди.

Парламент назоратини ташкил этиш қонун билан белгиланди.

## 2017

Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди.

Президент ва Халқ қабулхоналари ташкил этилди.

Президентнинг Олий Мажлисга биринчи Мурожаатномаси эълон қилинди.

## 2018

Мудофаа доктринаси қабул қилинди.

"Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

Фуқаролик ва Иқтисодий процессуал кодекслари қабул қилинди.

## 2019

Парламентга сайловлар бўлиб ўтди.

Сайлов кодекси қабул қилинди.

Гендер тенглиги бўйича қонунлар қабул қилинди.

Шахсга доир маълумотларнинг кафолатлари қонун билан белгиланди.

## 2020


Коррупцияга қарши кураш агентлиги ташкил этилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия қабул қилинди.

Ёшлар ишлари агентлиги ташкил этилди.

"Таълим тўғрисида"ги қонун имзоланди.

Аҳмад ҚУРБОНОВ  
тайёрлади.



Байрамингиз билан  
табриклаймиз!



1-sentabr, chorshanba, 2021-yil.  
№34-35 (32677)

Токиода давом этаётган паралимпия ўйинларида вакилларимизнинг юксак ғалабаларидан сўнг давлатимиз байроғи баланд кўтарилиб, мадҳиямиз жаранглаганда кўнглимдан бир фикр ўтди: "Бу – матонат мадҳияси!"

Маълумот ўрнида яна шуни айтиш мумкинки, 2016 йилги Рио-де-Жанейро мезбонлик қилган мусобақаларда Ўзбекистон паралимпия терма жамоаси 5 спорт турида 8 та олтин, 6 та кумуш ва 17 бронза, жами 31 та медални қўлга киритишган эди. Умумжамоа ҳисобида мамлакатимиз атлетлари 159 мамлакат орасида 16-ўринни эгаллаганди.

Токио паралимпия ўйинларида 5 мингга яқин пара атлет 540 та медаллар тўплами учун кураш олиб бормоқда. Мазкур мусобақада мамлакатимиздан 48 нафар паралимпиячи 8 та спорт тури – пара енгил атлетика, пара сузиш, пара дзюдо, пара таэквондо, пара ўқ отиш, пара пауэрлифтинг, пара каноэ ва пара эшак эшиш бўйича иштирок этмоқда.

25 август кунни Япониянинг Токио шаҳрида XVI паралимпия ўйинларида мусобақалар старт олди. Дастлабки кунги баҳсларда беш нафар Ўзбекистонлик сузувчи иштирок этди.

Шундай қилиб, эркаклар ўртасида 100 метрга баттерфляй усулида сузиш мусобақасида Ислом Асланов бронза медалини қўлга киритди. Бу Ўзбекистон паралимпия терма жамоаси учун Токио ўйинларидаги илк медал бўлди.

27 август. Пара енгил атлетика дастурининг аёллар ўртасида узунликка сакраш баҳсларида иштирок этган Асила Мирзаёрова 4.91 метр натижа кўрсатган ҳолда 2-ўринни эгаллади ва кумуш медалга сазовор бўлди. Шу билан бирга Асила Мирзаёрова ўзининг шахсий рекордини ҳам янгилади.

-66 кг вазн тоифасида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилаётган пара дзюдочи Учкун Куронбоев финалда испаниялик Серхио Банон Ибаньесга қарши татамига чиқди ва рақибини мағлубиятга учратиб, мамлакат делегациясига илк олтин медални келтирди.

Пара енгил атлетиканинг найза улоқтириш турида ўзбекистонлик Нозима Қанонова 42,59 метр натижа билан биринчи бўлди ва икки карра паралимпия чемпиони айланди. Нозима Рио-2016да ҳам олтин медални қўлга киритганди. Шу кунни диск улоқтириш спорт турида Моҳигул Ҳамдамова ҳам чемпион бўлди. У 31,46 метр натижа билан 1-ўринни эгаллади.

Эркаклар ўртасида ядро улоқтириш бўйича финалда қатнашган Элбек Султонов эса 15,94

метр натижа билан бронза медалига сазовор бўлди.

Шунингдек, пара пауэрлифтинг бўйича аёллар ўртасида - 61 килограммгача вазн тоифасида ҳамюртимиз Рўза Қўзиёва иштирокидаги финал баҳслари якунланди. Қувонарлиси, Рўза 130 кг тошни бўйсундирган ҳолда кумуш медалга эга чиқди.

Пара дзюдо баҳсларида эркаклар ўртасида -73 кг вазн тоифасида ҳамюртимиз Феруз Сайидов финалда кўшни қозоғистонлик Темиржан Даулетга қарши баҳсда қўли баланд келди. Қизикарли ва мурасасиз кечган курашда Сайидов ғалаба қозонди ва олтин медалга сазовор бўлди. Маълумот учун, Феруз Сайидов Рио-2016 ёзги паралимпия ўйинларида бронза медалини қўлга киритган эди.

Бундан ташқари, пара дзюдо баҳсларида аёллар ўртасида - 63 кг вазн тоифасида ҳамюртимиз Нафиса Шерипбоева бронза медалга эришди. Маълумот учун, Нафиса Шерипбоева Марта Арчега қарши татамига чиқди. Мурасасиз кечган курашда Шерипбоева ғалаба қозонди ва бронза медалга сазовор бўлди.

Пара дзюдо баҳсларида эркаклар ўртасида - 81 кг вазн тоифасида эса ҳамюртимиз Довурхон Караматов олтин медалга эришди. Финалда унга озарбайжонлик Хусейн Раҳимли рақиблик қилди. "Олтин очколар"га қадар кечган курашда вакилимиз имкониятни бой берди ва кумуш медалга сазовор бўлди.

Шундай қилиб, 28 август кунги мурасасиз баҳслар давомида Ватанимиз спортчиларининг ғалабаси шарафига уч марта Ўзбекистон мадҳияси янграб, саккиз маротаба давлатимиз байроғи кўтарилди.

XVI паралимпия ўйинларининг бешинчи кунинда юртимиз паралимпиячилари спортнинг 5 тури бўйича, яъни пара пауэрлифтинг, пара енгил атлетика, пара сузиш, пара академик эшак эшиш ва пара дзюдо баҳсларида қатнашди.

# МАТОНАТ МАДҲИЯСИ



» ВИЛОЯТ, ШАҲАР,  
ТУМАН ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ  
МУАССАСАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ  
ПАРАЛИМПИАЧИЛАРИМИЗНИНГ  
ЮКСАК ҒАЛАБАЛАРИ  
БИЛАН ОТА-ОНАСИ ВА  
ОИЛА АЪЗОЛАРИНИ  
ТАБРИКЛАШМОҚДА. БИР  
СЎЗ БИЛАН АЙТГАНДА,  
УЛАРНИНГ БУ ЮТУҚЛАРИ  
МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 30  
ЙИЛЛИГИГА МУНОСИБ СОВҒА  
БЎЛМОҚДА.

Пара дзюдо бўйича эркаклар ўртасида 100 килограмм вазн тоифасида ҳамюртимиз Шариф Халилов Токио-2020 ёзги паралимпия ўйинларининг бронза медални қўлга киритган ҳолда умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади. Қувонарлиси, Ўзбекистон умумжамоа ҳисобида Буюк Британия, Эрон ва Бразилия каби терма жамоаларни орта қолдирди.

Шундай қилиб, паралимпия ўйинларида пара дзюдо дастури ниҳоясига етди. Эътиборлиси, парадзюдочиларимиз мусобақада 2 тадан олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритган ҳолда умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади. Қувонарлиси, Ўзбекистон умумжамоа ҳисобида Буюк Британия, Эрон ва Бразилия каби терма жамоаларни орта қолдирди.

30 август кунни паралимпия ўйинларининг олтинчи кунинда пара енгил атлетика тури бўйича эркаклар ўртасида ядро улоқтириш баҳслари ниҳоясига етди.

Унда Бобуржон Омонов 14.06 метр натижага қайд этиб, паралимпия ўйинлари рекордини янгилаган ҳолда олтин медални қўлга киритди. Яна шуни айтиш мумкинки, бу борадаги жаҳон рекорди ҳам айнан унга тегишли. Бобуржон БААда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида 14.31 метр натижага қайд этган ҳолда рекорд ўрнатган эди.

Шунингдек, пара енгил атлетиканинг аёллар ўртасида ядро улоқтириш бўйича финал баҳслари ҳам ўз ниҳоясига етди. Ушбу йўналишдаги баҳсларда иштирок этган ҳамюртимиз Нурхон Қурбонова 7.77 метр натижа билан бронза медалга сазовор бўлди. Бу натижа ядро улоқтириш бўйича Нурхоннинг шахсий рекорди ҳам ҳисобланади.

Паралимпиаданинг пара сузиш бўйича аёллар ўртасида 200 метр масофага сузиш бўйича финал баҳслари якунланди. Унда ҳамюртимиз Шохсанамхон Тошпўлатова ўз иродасини намоийш қилиб, 2:27.92 дақиқа натижага кўрсатди. Унинг мазкур натижаси 3-ўринни эгаллашига ва бронза медалига сазовор бўлишини таъминлади.

Ушбу натижадан сўнг делегациямиз ҳисобидаги медаллар сони 15 тага етди: 5 та олтин, 4 та кумуш ва 6 та бронза. Шундай қилиб, Ўзбекистон умумжамоа ҳисобида 13-ўринга кўтарилди.

Токиодаги паралимпия ўйинларида спортчиларимизнинг эришган юксак ғалабалари юртдошларимизни бениҳоя хурсанд қилмоқда. Айниқса, вилоят, шаҳар, туман ва олий таълим муассасалари раҳбарлари паралимпиячиларимизнинг юксак ғалабалари билан ота-онаси ва оила аъзоларини табрик-лашмоқда. Бир сўз билан айтганда, уларнинг бу ютуқлари муастаклигимизнинг 30 йиллигига муносиб совға бўлмоқда.

Тоштемир Худойқулов,  
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

## ИҚТИСОД

# ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ЖОРИЙ ЭТИШГА ДОИР ИККИ МУҲИМ ТАКЛИФ

Кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг жаҳон бозорига интеграциялашуви жараёни изчиллик билан амалга ошмоқда. Жумладан, амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва соҳаларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш орқали узоқ муддатли барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган.

Ўзбекистоннинг жаҳон бизнесига интеграциялашуви – халқаро инвесторларга ҳамкорлик қилиш учун қизиқтириш уйғотган маҳаллий хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлар талаблари асосида тақдим этилиши заруратини келтириб чиқармоқда. Хусусан, халқаро стандартлар бўйича бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳаларида қатор ижобий ишлар амалга оширилиши зарур.

Бугунги кунда дунёнинг аксарият давлатларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари қўлланилади. Мазкур стандартларни республикамиз амалиётида жорий этиш юзасидан айни пайтда кўпқабатли илмий-тадқиқот ишлари ва амалий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Молиявий ҳисоботдаги ахборотларнинг ишончлилиги ички ва ташқи фойдаланувчиларга хўжалик юритувчи субъектларнинг операциялар, инвестициялар ҳамда молиявий фаолиятидаги келажақдаги пул оқимларини прогнозлаш ва шу асосда муҳим иқтисодий қарорларни қабул қилишга имконият яратди.

Ўтган йилларда мамлакатимизда

ҳисоб юритиш ва аудит соҳасининг норматив-ҳуқуқий ва услубий базаси такомиллаштирилди, шунингдек аудиторлик фаолиятини лицензиялашнинг соддалаштирилган ҳамда муддатсиз тизими жорий этилди. Бу эса ўз навбатида, ҳисоб юритиш ва аудиторлик хизматлари бозорининг шаклланишига ҳамда маҳаллий профессионал ташкилотларнинг йирик халқаро тармоқларга интеграциясини таъминлашга имкон яратди.

Аммо, соҳада мавжуд айрим муаммо ва нуқсонлар аудиторлик фаолиятининг янада ривожланишига, корпоратив бошқарув тизими сифатининг яхшилланишига ҳамда профессионал бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик хизматларининг аҳамияти ошишига тўқинлик қилиб келмоқда.

Сўнгги йилларда соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида бир қатор янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, Президентимизнинг 2018 йил 19 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 2020 йил 24 февралдаги "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишининг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари бунга яққол мисол бўлади.

Ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, 2020 йил январдан бошлаб аудиторлик ташкилотларини аудиторлик фаолиятини фақат Халқаро бухгалтерлар федерацияси томонидан нашр этилган аудитнинг халқаро стандартлари асосида амалга ошириш-

лик ишлар тўлиқ рақамлаштирилади. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларида бухгалтерия ҳисоби соҳасида ишчи ўринларининг кескин қисқаришига олиб келади.

Шу боисдан ҳозирда мамлакатимиз иқтисодиётининг барча тармоқлари ва соҳаларида иқтисодиётни жорий этиш масаласи жиддий эътибор марказида бўлиб турибди.

Бирок, шу билан бирга амалиётда хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия ҳисоби ва унинг назоратини ташкил этиш билан боғлиқ фаолиятида бугунги кун талабларига мутлақо жавоб бермайдиган эскича қарашлар, ҳисобот шакллари, ҳисоббараклар режаси, услубий молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари талабларига имкон қадар яқинлаштирилган ҳолатда юритилаётган бўлса, иқтисодиётнинг реал сектори корхона ва ташкилотларида, шунингдек давлат тизими муассасаларида бухгалтерия ҳисоби ҳанузгача собиқ иттифоқ давридан мерос бўлиб келаётган мутлақо бугунги давр талабларига жавоб бермайдиган шакллар ҳамда услубий асосида юритиб келинмоқда.

Ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси ва соҳада олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар натижасидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, яқин келажақда иқтисодиётнинг барча соҳалари ҳамда тармоқларида, шу жумладан давлат тизимида ҳам бухгалтерия ҳисобини юритиш билан боғ-

лиқ ишлар тўлиқ рақамлаштирилади. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларида бухгалтерия ҳисоби соҳасида ишчи ўринларининг кескин қисқаришига олиб келади.

Шу боисдан ҳозирда мамлакатимиз иқтисодиётининг барча тармоқлари ва соҳаларида иқтисодиётни жорий этиш масаласи жиддий эътибор марказида бўлиб турибди.

Бирок, шу билан бирга амалиётда хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия ҳисоби ва унинг назоратини ташкил этиш билан боғлиқ фаолиятида бугунги кун талабларига мутлақо жавоб бермайдиган эскича қарашлар, ҳисобот шакллари, ҳисоббараклар режаси, услубий молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари талабларига имкон қадар яқинлаштирилган ҳолатда юритилаётган бўлса, иқтисодиётнинг реал сектори корхона ва ташкилотларида, шунингдек давлат тизими муассасаларида бухгалтерия ҳисоби ҳанузгача собиқ иттифоқ давридан мерос бўлиб келаётган мутлақо бугунги давр талабларига жавоб бермайдиган шакллар ҳамда услубий асосида юритиб келинмоқда.

Ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси ва соҳада олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар натижасидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, яқин келажақда иқтисодиётнинг барча соҳалари ҳамда тармоқларида, шу жумладан давлат тизимида ҳам бухгалтерия ҳисобини юритиш билан боғ-

Умуман, бугун соҳада тўпланиб қолган муаммоларни жуда қисқа фурсатларда жадаллик, изчиллик ва қаъият билан бартараф этилишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаб, қўйидаги амалий таклиф ва тавсияларни билдираман.

Биринчидан, мамлакатимизда бухгалтерия ва аудит соҳаси учун олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимида туб ислохотларни амалга ошириш зарур.

Келгусида бухгалтерия ҳамда аудит соҳалари учун кадрлар тайёрлаш масаласида эски ва аънаванавий тарзда ташкил этилган бакалавриятнинг тегишли таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун белгиланган қабул квотасини кескин қисқартириш ҳисобида, улар ўрнига "IT-бухгалтер-аудитор" таълим йўналиши ва мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқлари корхона ҳамда ташкилотларда, шунингдек давлат тизимида бюджет ташкилотлари ва муассасаларда, умуман тижорат ва нотижорат ташкилотларида – юридик шахслар фаолиятида молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларини тўлиқ жорий этилишини қатъият билан жадаллаштириш лозим.

Бир сўз билан айтганда, ушбу таклиф ҳамда тавсиялар амалиётга жорий этилиши Ўзбекистонда бухгалтерия ва аудит соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг янада кенгайиши ҳамда таъминлашуви мақсадида иқтисодиётга инвестицияларни янада кенг миқёсда ҳамда қулай шартлар асосида жалб қилинишига, интеграция жараёнининг кучайишига, экспорт салоҳияти ва рақобатбардошлигининг янада ошишига имкон беради.

Улугбек АЗИЗОВ,  
иқтисодиёт фанлари номзоди,  
профессор.



Байрамингиз билан  
табриклаймиз!

1-sentabr, chorshanba, 2021-yil.  
№34-35 (32677)

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЦИВИЛИЗАЦИЯВИЙ ҲОДИСА

**ҲАР БИР ДАВРНИНГ ЎЗ МАЗМУНИ,  
МОҲИЯТИ БЎЛАДИ. ҲАР БИР ДАВРНИНГ  
ЎЗИГА ХОС САЛМОҒИ, ТАРИХДАГИ ЎРНИ  
БЎЛАДИ. КЕЙИНГИ БЕШ ЙИЛЛИК, АЙТИШ  
МУМКИНКИ, ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИДА,  
ЖУМЛАДАН, МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ  
ТАРИХИДА ЎЗИГА ХОС МАЗМУНИ ВА МОҲИЯТИ  
БИЛАН ЎРИН ЭГАЛЛАМОҚДА.**

Мустақиллигимизнинг 30 йиллигини нишонлаш палласида умуммиллий байрам сифатида унинг мазмунини, моҳиятини яна бир бор чуқурроқ ҳис қилишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Зотан, миллий истиқлол, мустақиллик хусусида гап борар экан, энг аввало мустақиллик нима, деган саволга жавоб излашимиз лозим.

Албатта, бу саволга дафъатан жавоб бериш қийин. Чунки бу серқирра, ғоят кўпмаъноли тушунча. Унга ҳар ким ҳар хил ёндашади ва жавоблар ҳам, таърифлар ҳам турлича бўлади. Бироқ мустақиллик тушунчаси атрофида туб моҳиятидан келиб чиқиб фикр юритишимиз лозим. Мустақиллик, деганда ҳаёлимизга давлат мустақиллиги, чегаралар дахлсизлиги, давлат рамзлари ва бошқалар келади. Бу табиий ҳол. Мустақил давлат ўзининг атрибутларига, рамзларига эга бўлмоғи лозим. Уси давлат мустақиллигини ҳис қилиб бўлмайди.

Бироқ янгиланаётган Ўзбекистонда бутунлай янгитдан шаклланаётган миллий тафаккур, миллий уйғонишнинг бутунлай янги, ўзига хос ҳодисаси юз бераётган бир шароитда мустақиллик тушунчасига бошқачароқ ёндашиш зарур бўлиб қолмоқда.

Энг аввало, шунга айтиш керакки, мустақиллик тенглик сари қўйилган биринчи қадам. Чунки, тенглик бўлмаган жойда кимдир кимгадир тобе бўлади. Мутелик бор жойда ҳукмронлик, ўзгалар ҳисобига яшаш каби иллатлар пайдо бўлади. Натижада биз сўнги бир ярим аср мобайнида бошимиздан ўтказган мустамлакачилик дунёга келади. «Тенглик» сўзининг қудрати шундаки, у одамларнинг ўзаро муносабатларидан тортиб, давлатлараро муносабатларга ҳамма нарсани меъёр-мезонга солади, турли камситишлар ёки мантисиз таъзим-тавозега чек қўяди.

**Истиқлол** ўзаро ҳурмат, бир-бирини тан олиш, бир-бирини эъозлаш орқали инсон кадр-қимматини асрашдир. Демак, мустақиллик – ҳар бир шахс, ҳар бир инсон моҳиятидан келиб чиқадиган бутун жамият ва инсониятни баҳолайдиган умуминсоний қадрият!

**Мустақиллик** жамиятдан ажралмаган ҳолда дунё муаммолари ва ўз тақдири билан боғлиқ бўлган истиқбол ҳақида ўйлашдир.

**Истиқлол** эркин дунёқараш, эркин тафаккурга суяниб яшаш салоҳиятидир.

**Мустақил** яшашга, мустақил фикрлашга, ўз тақдирини ўзи белгилашга, ўз ҳаётини ўзи изга солишга қодир одам зиддиятларни осонлик билан енгади, дунёнинг шиддатли муаммолар бўҳронидан доврираб қолмайди. Ҳар бир инсон руҳияти, феъл-атвори жиҳати-

дан қараганда, ана шу оддий ҳаётӣ ҳақиқатни кенг маънода давлат мустақиллигига ҳам қиёслаш мумкин.

Мустақиллик мустамлакачиликнинг ҳар қандай шаклини, у тақозо этадиган тазйиқлар, камситишлар ва зўравонликларни инкор этади. Айни пайтда мустақиллик жаҳон тараққиётининг илғор тажрибалари асосида ўз раънақининг ўзига хос тамойилларини ишлаб чиқиш билан бирга ягона замин, ягона макон тақдирини белгилашда ўзаро ҳамкорликнинг янги, сифат жиҳатидан юқори бўлган, умуминсоний манфаатларга мос келадиган андозаси асосида яшаш демакдир. Агар у ҳамкорлик, ўзаро ҳамжиҳатлик, мамлакатлараро, давлатлараро ва минтақалараро сиёсий, иқтисодий, ижтимоий муносабатларни қарор топтирмаса ўз қобилида қолиб кетиши, миллий маҳдудлик доирасидан чиқолмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам истиқлолнинг ғоятда залворли тажрибасидан ўтган тамойиллари ҳамма вақт долзарб бўлиб қолаверади. Чунки у доимий равишда ривожланиб, ўз-ўзини бойитиб, такомиллашиб, фуқаролар онги ва тафаккурини ўстириб бораётган тарихий воқелиқдир.

**Мустақиллик** – табиатан онгли яшаш, онгли муносабатни қарор топтириш мезони. Айни пайтда у ҳаракатларнинг, интилишлар ва қобилиятларнинг кучайишини, доимий камолотни тақозо этадиган маънавий-руҳий, маърифий-ахлоқий ҳодиса. Бу, айниқса, собиқ иттифоқ таркибидан ажралиб чиққан, мустамлакачилик азобини кўрган мустақил мамлакатлар, хусусан, Ўзбекистон ҳаётнда муҳим аҳамият касб этади.

Нима учун?

Биз янги Ўзбекистон шароитида бунга тобора чуқур ҳис этмоқдамиз. Мустақиллик моҳиятини англаш, истиқлол тушунчаси мазмунини тушуниш инсоннинг инсонлик моҳиятини тушунишга олиб келмоқда. Истиқлолнинг том маънодаги инсоний моҳияти тобора чуқурлашмоқда. Янгича тафаккур, янгиланаётган онг бевосита мустақиллик мазмунини англаш орқали улкан ижтимоий ҳодисага, цивилизациявий жараёнга, Ренессанс ҳодисасининг илк жараёнларига боғланиб бормоқда. Ана шундай маънавий, маърифий ва руҳий тозарош пайтида мустамлакачилик, қуллик ва инсоннинг инсоний қадриятларини паймол этган яқин ўтмишимиздаги тоталитар ҳолатга баҳо беришга тўғри келади.

Тоталитар тузум даврида давлат мамлакат бошқарув тизимидан тортиб алоҳида-алоҳида шахсларнинг кундалик турмушига ва истиқболига дахлдор бўлган ҳар қандай катта-кичик масалаларни ҳал этишни ўз зиммасига

“  
**МУСТАҚИЛЛИК ТЕНГЛИК  
САРИ ҚЎЙИЛГАН БИРИНЧИ  
ҚАДАМ. ЧУНКИ, ТЕНГЛИК  
БЎЛМАГАН ЖОЙДА КИМДИР  
КИМГАДИР ТОБЕ БЎЛАДИ.  
МУТЕЛИК БОР ЖОЙДА  
ҲУКМРОНЛИК, ЎЗГАЛАР  
ҲИСОБИГА ЯШАШ КАБИ  
ИЛЛАТЛАР ПАЙДО БЎЛАДИ.  
НАТИЖАДА БИЗ СЎНГИ  
БИР ЯРИМ АСР МОБАЙНИДА  
БОШИМИЗДАН ЎТКАЗГАН  
МУСТАМЛАКАЧИЛИК ДУНЁГА  
КЕЛАДИ. «ТЕНГЛИК»  
СЎЗИНИНГ ҚУДРАТИ  
ШУНДАКИ, У ОДАМЛАРНИНГ  
ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИДАН  
ТОРТИБ, ДАВЛАТЛАРАРО  
МУНОСАБАТЛАРГАЧА  
ҲАММА НАРСАНИ  
МЕЪЁР-МЕЗОНГА СОЛАДИ,  
ТУРЛИ КАМСИТИШЛАР  
ЁКИ МАНТИҚСИЗ  
ТАЪЗИМ-ТАВОЗЕГА ЧЕК  
ҚЎЯДИ.**

сиз, фаолиятсиз ҳодисага айланмайди.

Бугунги кунда янги Ўзбекистон тушунчаси реал воқеликка айланмоқда. Буни, албатта, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасининг тубдан ўзгаргаётганида, ишлаб чиқариш соҳасининг бутунлай ислоҳ қилинганда, ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг энг замонавий технологиялари жорий қилинаётганида яққол кўрамайди.

Бироқ янги Ўзбекистоннинг моҳияти фақат шундан иборатгина эмас. Унинг туб мазмуни, ижтимоий қадрияти инсон тафаккурининг кескин ўзгарганида баҳоланади. Бугунги фуқаро беш йил олдинги фуқаро эмас. У ижтимоий-биологик мавжудот ёки битта паспорт эгаси сифатида ўша одам бўлиши мумкин. Лекин янгиланган тафаккур, замонавийлашган онг, покланаётган маънавий, руҳий олам нуқтаи назаридан бутунлай бошқа одам ҳисобланади. Аслида эса серқирра ислохотларнинг бутун моҳияти ана шу ерда очилади.

Дарҳақиқат, одамлар ижтимоий ҳодиса сифатида қадриятга айлана бошланганини ҳис қилаяпти. Ўзини англаяпти, ўзини ўзи қадриятга айлантира бошлаяпти. Ҳеч ким ҳеч кимдан кам эмаслигини, у тўлақонли бахтли, саодатли яшашга ҳақли эканлигини тушуна бошлади. Ўзининг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий эҳтиёжларини, талабларини ўртага ташламоқда.

Бир пайтлар улғу шоиримиз Абдулла Орипов “Қачон халқ бўласан, сен эй оломон”, деб фарёд чеккан эди. Бугун бу изтироблар рўёби “Янги Ўзбекистон” тушунчаси орқали кўзга ташланмоқда. Яъни, ялпи жамият тафаккур жиҳатдан ўзгарган. Онгли, маърифатли ҳаёт тарзи қарор топмоқда. Бу эса, ўз-ўзидан умуммиллий уйғонишга, умуммиллий тараққиётга асос бўлмоқда. Одамларда ички рағбат, ўз соҳаси доирасида ижодий ёндашув, янгича муносабатлар қарор топмоқда. Маданий-маърифий жараён тобора чуқурлашиб, ҳаёт мазмунини янада ўзгартирмоқда. Уни ижобий натижаларга эриштирмоқда. Демак, одамлар тасаввури орқали жамиятнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси ўзгариб, такомиллашиб бормоқда.

Кишилик тарихи шундан далолат берадики, қачонки жамиятда ялпи ўзлигини англаш, яқка тартибда ҳар бир инсон ўзининг инсоний моҳиятини тушуниб, қадриятга айлантиришга эҳтиёж сезган даврида тараққиётнинг бутунлай янги, замонавий босқичи бошланган. Зотан, ҳар қандай тараққиёт онг ва тафаккур маҳсули. Ҳар қандай тараққиёт юксак ахлоққа, замонавий билимга, кенг тафаккурга суянади. Жаҳолат, залолат, қабоҳат сингари инсоний қадриятларнинг шафқатсиз душманлари барбод этилади, тор-мор қилинади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда Ўзбекистоннинг ҳозирги тараққиёт даражаси, жамиятнинг маънавий-маърифий имкониятлари асосида шаклланган янгича тафаккурдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, халқимиз тарихи ва иқболда янги сакраш даври бошланди. Бу эса ўзига хос Ренессанс ҳодисасининг асоси ҳисобланади.

Мустақилликнинг 30 йиллиги нишонланаётган, қалбларимизда ғурур ва ифтихор шавқу шуури жўш ураётган бир паллада истиқболимизни аниқ кўриб турибмиз. Ишончимиз комил, беш йиллик тараққиёт йўли бунга гувоҳ бўлмоқда. Бутунлай янги, замонавий, цивилизациялашган турмуш тарзининг қарор топаётганлиги, тафаккурдаги жиддий эврилишлар, бутунлай янги мазмундаги, янги моҳиятдаги ва, албатта, янги қиёфадаги янги Ўзбекистон дадил қадамлар, буюк мақсадлар ва қатъий ишонч билан истиқболга интилаётганидан далолат беради. Бу, менимча, янги Ўзбекистон цивилизациявий ҳодиса сифатида тарихга киришига асос бўлади.

**Нарзулла ЖЎРАЕВ,**  
сиёсий фанлар доктори, профессор

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ  
ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИ УЧУН ТЎЛОВЛАР МИҚДОРИ

24%  
O'ZBEKISTON  
RESUBLIKASI  
SAYLOV KOMISSIYASI

Сайлов комиссиясига  
жалб этилган барча  
266 нафар комиссия  
аъзоларининг ҳар  
бирига

27 000 сўм

БҲМнинг 10% миқдориди  
иссиқ овқат пули берилади.

ЖАМИ:


266  
x  
27 000  
7 млн. 182 минг сўм

октябрь

19 20 21 22 23 24 25 26


Меҳнат ҳақи тўловлари одатдаги меҳнатга  
ҳақ тўлаш шартларига мувофиқ амалга  
оширилади, яъни ҳисобот ойдан кейинги  
ойнинг 5 санасига қадар тўловлар  
амалга оширилади.

Барча комиссия аъзолари  
учун белгиланган  
компенсация тўловлари  
ва иссиқ овқат пули  
сайловга 3 кун қолгунга  
қадар тўлаб берилади.



## Байрамингиз билан табриклаймиз!

1-sentabr, chorshanba, 2021-yil.  
№34-35 (32677)



**"ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН - ЯНГИ ҚЎШНИЧИЛИК" ТАНЛОВИГА**

# МАҲАЛЛА ТОТУВЛИК ВА БАҒРИ- КЕНГЛИК МАҚТАБИ



**Маҳалла – Марказий Осиёда шаҳарлар ичидаги ҳудудий бирлик бўлиб, у бизга ўтмишдан мерос бўлиб қолган. Маҳалла чекланган ҳудудда истиқомат қилувчи фуқаролар жамоаси. Унда одамлар фақат яқин қўшничилик ришталари билангина эмас, балки минглаб йиллар давомида яратилган ички тартиб-қоидалар, маънавий-ахлоқий нормалар, урф-одатлар ва анъаналар билан боғланган. Маҳаллалар жуда катта тарихга эга бўлиб, ўзбек халқининг кундалик ижтимоий ҳаётини ва турмушини ташкил қилишда излаб топган, асрлар давомида такомиллашиб, аҳолининг миллати, ижтимоий келиб чиқиши, диний эътиқодларидан қатъи назар уларни бирлаштирувчи, уюштирувчи ноёб ижтимоий тузилма бўлиб, кишиларни фаол ижтимоий ҳаётга жалб этувчи самарали воситадир.**

Марказий Осиё минтақасида ўтган асрнинг 90-йилларида маҳаллий ўзини ўзи бошқарувининг ривожланиши ўзига хос объект жараён бўлиб, уларнинг ваколатлари ва ҳуқуқлари шу минтақадаги ҳар бир давлатнинг тарихий анъаналаридан, хусусиятларидан келиб чиқиб белгиланди, фаолиятининг самаралилиги эса жамият тараққиётининг ривожланиш босқичларида қабул қилинган қарорлар билан боғлиқ бўлди.

Қозоғистон Конституциясининг 89-моддасига биноан, ушбу давлатда ҳам маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тан олинган бўлиб, аҳоли жамияти ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга. 2001 йил 23 январда "Қозоғистон Республикасида маҳаллий давлат бошқаруви ва ўзини ўзи бошқариш тўғрисида"ги Қонунига кўра, бу давлатда вилоят, туман, шаҳар, шаҳардаги туманлар, овул округи, овул округига қирмайдиган посёлка ва овуллар ҳокимлари давлат бошқаруви соҳасидаги ваколатлари билан бир қаторда айнан маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари соҳасидаги ваколатларини ҳам амалга оширади.

Қирғизистон Конституциясининг 4 бўлимига кўра, ушбу давлатда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш масалалари тегишли маъмурий ҳудудий бирликлардаги маҳаллий бирлашмалар томонидан амалга оширилади. Маҳаллий бирлашмалар маҳаллий ўзини ўзи бошқариш жараёнида: биринчидан, маҳаллий бирлашма йиғилишларида жамият ва давлат ҳаётидаги муҳим масалаларни муҳокама қилиш орқали, иккинчидан, маҳаллий кенгашлар депутатларига сайловлар орқали, учинчидан, маҳаллий аҳамиятдаги алоҳида муҳим масалаларда тўғридан тўғри овоз беришда қатнашиш ва ижодий қонунчилик ташаббуси орқали иштирок этади. Қирғизистонда давлат органлари Қонунда кўрсатилган ваколатларидан ташқари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига аралаша олмайди. Бундан ташқари, ушбу давлатда ҳудудий жамоатчилик ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам фаолият юритиб, шаҳар ҳудудининг бир қисмида яшовчи фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни шахсий ташаббуслари билан ўз жавобгарликлари остида

ҳал этувчи ва амалга оширувчи мустақил ташкилот ҳисобланади.

Тожикистонда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш масаласи Конституциянинг 6-бобида акс этган бўлиб, унга кўра, ушбу давлатда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари бевосита посёлка ва қишлоқ микёсида амалга оширилади ҳамда бу муносабатлар ўз навбатида Тожикистоннинг "Посёлка ва қишлоқ ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуни билан тартибга солинган. Бу органлар посёлка ва қишлоқларда умумий ном билан "жамоат" деб аталади. Посёлқанинг ўзида "Жамоати шаҳрак", қишлоқ жойларда

органлари ҳисобланса, ҳудудий жамоатчилик маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари халқ ҳокимияти органлари ҳисобланмайди.

Ўзбекистонда Конституциянинг 105-моддаси, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ва "Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонунларига мувофиқ фуқаролар йиғинларида 2,5 йилда сайловлар ўтказилади. Айнан шу қонунлар билан давлат ҳокимияти органлари зиммаларида бўлган 30 дан орტიқ ваколатлар босқичма босқич фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг зиммаларига

асосида дунёга келган. Ҳар қандай шароитда ҳам бир-бирининг аҳолидан хабардор бўлиш, бир-бирини қўллаб-қувватлаш маънавий-руҳий ва ижтимоий жиҳатдан муҳим мезон сифатида ўзини намойён этган.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида ҳам миллатлар ва конфессияларaro тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистон теварагида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик минтақасини вужудга келтириш масалалари устувор йўналишларнинг бири сифатида қайд этилди. Буни амалга оширишнинг энг тўғри ва самарали усули маҳалла имкониятидан фойдаланиш, одамларнинг турар жойларидаги муҳитни соғломлаштириш эди. Миллатидан, ирқидан ва дунёқарашидан қатъи назар мамлакат фуқароси ўз эҳтиёжларини қондириш учун барча имкониятларга эга бўлиши, ўз ҳаётини ихтиёрий танлов асосида йўлга қўйиши керак. Айни пайтда у жамиятда барқарорлик мувозанатини сақлаш, муроасага келиш ва бир-бирини тушуниш, бахсли томон далилларга адолат мезонлари билан ёндошишга, умумий ҳамжиҳатлик руҳини таркиб топтиришга ўз хиссасини қўшиши лозим. Маҳалла айнан ана шундай юксак инсоний туйғуни шакллантиради. Бунда иш жойлари – корхоналар, муассасалардагина эмас, балки кундалик турмуш тарзида, маиший ҳаёт шароитида маҳаллаларда изчил, асосли, таъсирчан тарғибот ишлари муҳим аҳамият касб этди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, миллатлараро муносабатларнинг ривожланиш босқичлари Ўзбекистонда яхлит миллий-маънавий муҳит шаклланишидан, миллати ва элатидан қатъи назар ҳар бир фуқаро ана шу муҳитдан манфаатдор бўлаётганидан далолат бермоқда.

**Гулбахор УМАРОВА,**  
ЎзДЖТУ доценти, тарих  
фанлари номзоди.

**"ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН - ЯНГИ ҚЎШНИЧИЛИК" ТАНЛОВИГА**

# МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ СТРАТЕГИК РЕЖАЛАР ТАШАББУСКОРИ

**Демократик ривожланиш йўлини танлаган ҳар қандай жамиятда иқтисодий, ижтимоий, маданий-маънавий асосларни такомиллаштириш билан бирга сиёсий жараёнларни ҳам юқори босқичга кўтариш талаби туради. Давлат ва жамиятнинг барқарор тараққиётини белгилайдиган сиёсий жараёнлар ўз-ўзидан шу мамлакатнинг ички ва ташқи омиллари билан бевосита боғлиқдир. Айнан шу омиллари ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этмагунча, ривожланмагунча, инсон феномени, унинг тақдири, миллий манфаатлар, миллий ва диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик масалалари бирёқлама ёки юзаки қарашлар гирдобига қолиб кетади. Шу маънода Ўзбекистонда ҳам минтақавий масалаларни ўзаро қўшничилик алоқалари асосида ҳал қилиш борасида охириги беш йилликда Марказий Осиё мамлакатлари билан самарали ва кенг қамровли ҳамкорлик алоқаларига кенг тус берилди.**

Жамият ижтимоий-сиёсий ҳаёти учун муҳим ҳужжат – 2017 йил 7 февралда тасдиқланган "2017–2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси"нинг "чўқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар" белгилаб берилган 5.2-бандида айнан ташқи сиёсат масаласи – Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш тамойили ўз аксини топди.

Агар рақамлар кесимида солиштирадиган бўлсак, давлатимизнинг Марказий Осиё мамлакатларига экспорт динамикаси ҳам йилдан йилга ижобий аҳамият касб этиб бормоқда. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси таҳлилларига кўра, бу минтақалардаги умумий экспорт ҳажми 2016 йилда – 12094,6 млн. АҚШ доллари, 2017 йилда – 12553,7 млн. АҚШ доллари, 2018 йилда – 14257,9 млн. АҚШ доллари, 2019 йилда 14758,7 млн. АҚШ доллари, 2020 йилда – 15127,7 млн. АҚШ долларини ва 2021 йил биринчи чорагида эса 3482 млн. АҚШ долларини ташкил этган.

2021 йилнинг январь-апрель ойлари якунларига кўра, Марказий Осиё мамлакатларига экспорт ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 21 фоиз ошди. Шунингдек, "Экономическое обозрение" журналы расмий сайтидаги таҳлилларга эътибор қаратсак, шу даврда Ўзбекистоннинг умумий экспортида Марказий Осиё давлатлари улushi сезиларли – 19,9 фоиз ошди, яъни экспортнинг деярли бешдан бир қисми минтақа мамлакатларига тўғри келди.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги сайтыда Совкомбанк бош таҳлилчиси, эксперт М.Васильевнинг қуйидаги фикри бериб ўтилади: "XX аср ўрталаридан бошлаб Осиё минтақасидаги бир гуруҳ мамлакатлар қисқа вақт ичида иқтисодий ва технологик тараққиётда мисли кўрилмаган ютуқларга эришиб, жаҳон ҳамжамиятини бир неча бор ҳайратда қолдирди. Осиё йўлбарсларининг биринчи тўлқини – Жанубий Корея, Сингапур, Тайвань ва Гонконг 1960-йилдан 1990 йилларгача энг юқори чўққига эришди, иккинчи тўлқин йўлбарслари – Индонезия, Малайзия, Вьетнам ва Таиланд модернизацияни 1990-йил охиридан бошлашди. Энди учинчи тўлқиннинг вақти келди, Марказий Осиёнинг вакили – Ўзбекистонни ишонч билан унинг лоқомоти, деб аташ мумкин". Ҳақиқатан ҳам, охириги беш йиллик жараёнларнинг янги тарихига назар ташласак, Марказий Осиё мамлакатлари орасида Ўзбекистон жамияти феноменал стратегик лойиҳаларни амалга оширишда етакчилик қилмоқда.

Айни юқори мақсадлардан келиб чиқиб, 2021 йил 6 августда Туркменистоннинг "Аваза" миллий сайёҳлик зонасида ташкил этилган Марказий Осиё давлат раҳбарларининг учинчи Маслаҳат учрашувида минтақада барқарорликни таъминлаш, изчил тараққиётга эришиш, минтақада товар айланмасини ривожлантириш, энергетика соҳасида шериклик учун қулай шароитларни яратиш, қолаверса, транспорт-коммуникация соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш каби кўплаб долзарб масалалар ўртага ташланди.

Учрашув кун тартибининг долзарб ва замонавий талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон раҳбарияти томонидан бир қанча муҳим тақлиф ва ташаббуслар илгари сурилди. Жумладан, Марказий Осиёда иқтисодий ҳамкорликнинг янги моделини шакллантириш йўлида қатъий қадамлар ташлаш, эркин савдо тартибига тўлиқ ўтиш мақсадида мавжуд тўсиқларни бартараф этиш, саноат кооперацияси, инновациялар ва рақамли технологияларни ривожлантириш орқали минтақа ичида мустақкам қўшимча қиймат занжирларини яратиш, Марказий Осиё мамлакатлари учун зарур бўлган "Минтақавий савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг умумий йўналишлари тўғрисидаги Битим"ни қабул қилиш, Каспий денгизи портлари, йирик трансчегаравий логистика марказларидан тўлиқ фойдаланиш, қолаверса, келажакда Термиз-Мозори Шариф-Кобул-Пешовад трансфтон коридори, Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон автомобиль ва темир йўлларининг имкониятларидан фойдаланишни режалаштириш, минтақанинг энергетик хавфсизлиги масаласи янада долзарб аҳамият касб этишини инобатга олиб, "яшил" энергетика ва энергия соҳасидаги самарадор технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш кабилардир.

Иккинчи муҳим масала, бугун минтақада парламентаризмнинг роли ортиб бораётганини четда қолдириб бўлмайди. Жамият юзи, кўзгуси, қонунчилик асослари таъминланганининг шаффофлиги, ижро интизомини, халқ ва бошқарув органлари ўртасидаги кўприк, мувозанатни, таъбир жоиз бўлса, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришда жонбозлик кўрсатувчи сектор вази-фасини ўтайдиган мазкур тизим фаолиятини минтақа шароитида кенг ўрганиш ва такомиллаштириб бориш давр талабига фойдаланди.

**Зокир ЗАМОНОВ,**  
сиёсий фанлар бўйича фалсафа  
доктори (PhD).



Байрамингиз билан  
табриклаймиз!

1-sentabr, chorshanba, 2021-yil.  
№34-35 (32677)

КОНУН ВА ШАРХ

# СУДЛАР ОДИЛ БЎЛИШИ ШАРТ

**ХАТО ҚИЛМАСАМ, ОХИРГИ БИР ЯРИМ ЙИЛДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ФАРМОН, ҚАРОР ВА БОШҚА ХУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАР ИЧИДА СУД-ХУҚУҚ МАСАЛАЛАРИГА ОИДИ ЭНГ БЎЛДИ. ТЎҒРИ-ДА, ИНСОН ҲАЁТИ БИЛАН БОҒЛИҚ ТУРЛИ МАСАЛАЛАР, ЗИДДИЯТ ВА ТОРТИШУВЛАРГА СУД МУҲОКАМАСИДА ЕЧИМ ТОПИЛАДИ. ТАЪБИР ЖОИЗ БЎЛСА, СЎНГИ СЎЗНИ СУД АЙТАДИ. ЯҚИНДА “СУДЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН ЯНГИ ТАХРИРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ АППАРАТ РАҲБАРИ ЖАҲОНГИР ЮЛДАШЕВГА МАЗКУР ҚОНУН ЮЗАСИДАН ҚАТОР САВОЛЛАР БИЛАН МУРОЖААТ ҚИЛДИК.**

кўриш институти тугатилди ва Олий суд Пленуми, Раёсати, барча судларнинг ваколатлари, таркиблари тегишли тартибда ўзгартирилди.

Шунингдек, олдинги тахрирдаги қонундан фарқли равишда судьяни бошқа судьялик лавозимига ёки бошқа судга ўтказиш тартиби Қонуннинг ўзида мустаҳкамланди.

Судьяларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, моддий таъминоти, ижтимоий ҳимояси, интизомий жавобгарлиги, ваколатларини тўхтатиб туриш, тугатиш асослари ва тартиби унинг юксак мақомига мослаштирилди.

— **Инсон ҳақ-ҳуқуқи ва қонуний манфатлари ҳимояси йўлида янги қонуннинг аҳамияти нимада?**

Шу сабабли ҳам илк бор қонунда одил судловни амалга оширишда ҳар бир кишига малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланиши, гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида ҳимояланиш ҳуқуқи таъминланиши, қонунда белгиланган ҳолларда давлат бепул малакали юридик ёрдам кўрсатилиши таъминлаши ўз аксини топмоқда.

Бундан ташқари, барча бўғин суд раҳбарияти томонидан ваколати доирасида фуқароларни ва юридик шахслар вакилларини шахсан қабул қилиши ва уларни қабул қилиш ҳамда ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш ишини ташкил этиши, судьяларнинг аҳоли билан учрашувларини ташкил этиши назарда тутилмоқда.

— **Журналистларнинг суд жараёнларидаги иштироки масалаларида қандай янгиликлар бор?**

— Хабарингиз бор, борган сари суд шаффолашиб, давлат ва шахсий сирларни истисно этган ҳолда ахборотлар тўлиқ бериб борилаёпти.

Олий суд томонидан 2020 йил 21 февралда дунё амалиётида учрамайдиган “Суд муҳокамаси ошқоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги Пленум қарори қабул қилинган.

Бугунги кунда Олий суд томонидан барча вилоятларда журналист ва блогерлар иштирокида семинарлар ҳам ташкил этилди.

Бундан ташқари, ҳар бир вилоят суди ўз матбуот котибига эга бўлди.

Айнан ушбу масалалар ҳам маълум маънода қонунда ўз аксини топди. Жумладан, қонуннинг 12-моддасига асосан барча судларда ишлар очик кўрилади. Ишларни ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқишга фақат қонунда белгиланган ҳолларда йўл қўйлади.

Суд мажлиси залида ҳозир бўлган шахслар, оммавий ахборот воситалари вакиллари суд мажлиси залида қонунда белгиланган тартибда фотосуратга олиши, видео ва аудио ёзувни амалга ошириши мумкин.

Лекин бу норма оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳар қандай суд мажлисида кириб бориш ва уни ёритиши мумкин, дегани эмас.

Чунки, судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди.

Муайян ишни ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона ҳал этишга тўқсинлик қилиш ёки ғайриқонуний суд ҳужжати чиқарилишига эришиш мақсадида судьяларга қандай бўлмасин таъсир кўрсатиш қонунга мувофиқ жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Судьядан кўрилган ёки иш юритишидаги ишлар моҳияти бўйича бирон-бир тушунтиришлар бериши талаб қилиш, шунингдек қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари, кимга бўлмасин, танишиб чиқиш учун ишларни тақдим этиш тақиқланади.

Оммавий ахборот воситалари ўз хабарларида муайян иш юзасидан суд муҳокамаси натижаларини олдиндан ўзича ҳал қилиб қўйишга ёки судга қандай шаклда бўлмасин таъсир кўрсатишга ҳақли эмас.

Оммавий ахборот воситалари муайян иш юзасидан суд муҳокамаси натижаларини олдиндан башорат қилиши ёки судга бошқача тарзда таъсир этиши (босим ўтказиши) мумкин эмас.

Судья эса суд қарори қонуний кучга кирмаган иш бўйича интервью беришга ёхуд оммавий ахборот воситаларида чиқиш қилишга ҳақли эмас.

Очиқ суд мажлисини фототасвирга тушириш, видеоёзувни амалга ошириш, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида трансляция қилишга фуқаролик ишини кўриш пайтида — суд мажлисида раислик қилувчинининг тарафлар розилиги олингандан кейин берган рухсати билан ҳамда жиноят, маъмурий, иқтисодий ишни ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриш пайтида — суд мажлисида раислик қилувчинининг тарафлар фикрини эшитгандан кейин берган рухсати билан йўл қўйилади.

Қисқа қилиб айтганда, мазкур қонун фуқаролар эркинликлари, шахсий дахлсизлигини ҳимоя қилишга, одил судловга эришиш даражасини оширишга хизмат қилади.

“Ўзбекистон овози” мухбири  
Равшан ШОДИЕВ сўхбатлашди.

## Биласизми?

**АҲОЛИНИНГ МИНИМАЛ ИСТЕЪМОЛ ХАРАЖАТЛАРИ** қийматини ҳисоблаш тартиби белгиланди



“Минимал истеъмол харажатлари қийматини ҳисоблаш тартибини амалиётга жорий этиш тўғрисида”ги Ҳукумат қарори (544-сон, 27.08.2021 й.) қабул қилинди

Қарорга кўра, минимал истеъмол харажатлари кўрсаткичидан камбағаллик мезони (ёки чегараси) сифатида фойдаланилади.

2022 йилдан бошлаб “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали оилани кам таъминланган, деб эътироф этиш жараёнида қўлланиладиган бир ойлик даромад мезони минимал истеъмол харажатларига тенглаштирилади.

Ҳар йили август ойигача минимал истеъмол харажатлари қийматининг прогноз параметрлари инфляция кутулмаларидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Минимал истеъмол харажатлари ва камбағаллик даражаси ҳар йилги ҳисобот йилида инфляция даражасидан келиб чиқиб, кейинги йилнинг 20 январига қадар эълон қилиб борилади.

Минимал истеъмол харажатлари таркиби камида ҳар 5 йилда қайта кўриб чиқилади.

Қарор билан Аҳолининг минимал истеъмол харажатлари қиймати ва камбағаллик чегарасини ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

2021 йил 1 СЕНТЯБРДАН  
Қонунчиликка кўра:

СЕНТЯБРЬ

1

— етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар давлат тасарруфидаги мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларга навбатга қўйилмаган ҳолда жойлаштирилади;

— техникум, коллеж, академик лицей ёки ОТМда ўқиётган даврида ҳар ўқув йилида бир маротаба ўқув, илмий ва бадий адабиётлар (китоблар) харид қилиш харажатлари учун БҲМнинг 5 баравари (1 млн 225 минг сўм) миқдорда субсидиялар ажратилади;

— ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчиларининг тегишли йўналишлар бўйича курсларда ўқиш харажатлари бир йилда БҲМнинг 20 бараваригача (4 млн 900 минг сўмгача) миқдорда компенсация қилинади;

— ўқишни давлат ОТМларида давом эттирганда уларга стипендия тўловлари 50 фоизга оширилган ҳолда тўланади.

ОТМда  
янги ўқув йили аъънавий  
(офлайн) шаклда бошланади

Олий таълим муассасаларида 2021/2022 ўқув йили 6 сентябрдан бакалаврият ва магистратура босқичи талабалари учун аъънавий (офлайн) шаклда бошланади.

Адлия вазирлигининг  
“Huquqiy axborot” канали.

Тошкент давлат шарқшунослик университети жамоаси Араб филологияси кафедраси катта ўқитувчиси, етакчи арабшунос Носир АРИФХОДЖАЕВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардик билдиради.

— **“Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини қабул қилишга қандай зарурат бор эди?**

— Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўйбага чиқариш ва жамиятда адолатни қарор топтиришда одил судлов алоҳида ўрин тутишини эътиборга олган ҳолда, сўнги тўрт йилда суд-ҳуқуқ соҳасини тубдан ислоҳ этишга қаратилган кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Одил судлов сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган, суд-ҳуқуқ соҳасида йиллар давомида ечим топмаган муаммоли масалаларни ҳал қилиш борасида 40 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Улар асосида суд-ҳуқуқ соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфатларини ишончли ҳимоя қилиш даражасини ошириш, одил судловдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, суд тизимини такомиллаштириш борасида муҳим ислохотлар, ташкилий-ҳуқуқий, тузилмавий, институционал ўзгартиришлар амалга оширилди.

Суд ислохотларининг ҳаётга татбиқ этилиши муҳим сифат ўзгаришлари учун туртки бўлиб хизмат қилди. Судларнинг тузилиши ва судлов ишини юритишнинг ҳуқуқий асосларига жиддий ўзгаришлар киритилди ва суд орқали ҳимоя қилиш механизминини такомиллаштириш, унинг самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Судлар тўғрисида”ги амалдаги Қонуни мустақилликнинг дастлабки йилларида ишлаб чиқилган бўлиб, унда суд тизимидаги чуқур ўзгаришлар тўлиқ акс эттирилмаган ва замонавий талабларга жавоб бермас эди. Унда кўплаб собик Иттифок мероси нормалари қабул қилиб олинган ва ҳали суд тизими замонавий суд тажрибасига эга эмас эди.

Кейинчалик 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган янги тахрирдаги “Судлар тўғрисида”ги қонуни бир қатор илғор нормаларни қамраб олди. Унинг энг катта ютуқларидан бири судлардаги дастлабки иқтисослашувни тартибга солиш ва судьялар мустақиллигини таъминлашга қаратилган қоидаларни ўзида мужассамлаштирилганлигидир.

2016 йилнинг охирига келиб, мамлакатимизда судларни янада иқтисослаштириш, маъмурий судларни ташкил этиш, иқтисослашган судьяларни қатъий сақлаб қолган ҳолда

ягона суд тизимини жорий этиш бўйича қадамлар ташланди.

Яқинда Президентимиз томонидан имзоланган “Судлар тўғрисида”ги қонун юқорида қайд этилган ислохотларнинг мантқиқий давоми, қонуний асоси бўлди.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши учун бир қатор омиллар — суд тузилмасидаги ташкилий-ҳуқуқий ўзгаришлар, яъни ягона суд ҳокимиятининг шаклланиши, маъмурий судлар фаолиятининг йўлга қўйилиши, судьяларнинг ваколатлари, вазифалари ва уларга қўйилган талабларнинг кучайтирилиши ва бошқалар асосий роль ўйнади.

— **Янги қонуннинг олдингисидан фарқи нимада?**

— Суд тизимида амалга оширилган ташкилий-тузилмавий ўзгаришлар янги қонунда ўз аксини топди.

Жумладан, иқтисосликни қатъий сақлаган ҳолда ўрта бўлган фуқаролик ишлари бўйича судлар, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судларни бирлаштирган Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари ташкил этилди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари сақлаб қолинган ҳолда туман (шаҳар) маъмурий судлари тугатилди.

Маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришга иқтисослаштирилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро маъмурий судлари ташкил этилди.

Янги қонун билан одил судловнинг асосий принциплари қайта кўриб чиқилди ҳамда қонунийлик, одил судловни амалга оширишда малакали юридик ёрдам, суд ҳужжати устидан шикоят қилиш ҳуқуқи каби янги асосий принциплар билан тўлдирилди. Шунингдек, амалдаги одил судлов принциплари тахририй ўзгартирилди.

Бундан ташқари, суд ҳужжатларини қайта кўриш тартибининг қонунийлиги, асослиги ва адолатлилиги илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштирилмоқда.

Президентимизнинг 2020 йил 24 июлда қабул қилинган “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони билан судларга “бир суд – бир инстанция” тамойили жорий қилинди.

Муқаддам бир бирини такрорловчи еттига суд инстанциялари учта суд инстанцияларига (биринчи инстанция – апелляция – кассация) қисқартирилди.

Суд ишларини назорат тартибида


» **Янги қонун билан одил судловнинг асосий принциплари қайта кўриб чиқилди ҳамда қонунийлик, одил судловни амалга оширишда малакали юридик ёрдам, суд ҳужжати устидан шикоят қилиш ҳуқуқи каби янги асосий принциплар билан тўлдирилди. Шунингдек, амалдаги одил судлов принциплари тахририй ўзгартирилди.**

— Ҳар қандай ислохот, шу жумладан қонун ҳужжатлари ҳам инсон ҳуқуқларига содиқлик, демократия ва ижтимоий адолатга садоқат ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунигини тан олган ҳолда ишлаб чиқилади.

Мазкур қонун давлатнинг қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, тинчлик ва хавфсизликни ишончли ҳимоя қилиш бўйича устувор вазифаларини самарали амалга оширишга шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфатларини суд орқали самарали ҳимоя қилиш, бунга тўқсинлик қилувчи ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдиришга хизмат қилади.

Зеро, қонунда кўрсатилганидек, суднинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар давлат органлари ҳамда бошқа органларнинг ҳар қандай ғайриқонуний қарорлари, уларнинг мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларидан (ҳаракатсизлигидан), шунингдек, ҳаёти ва соғлиги, шаъни ҳамда қадр-қиммати, шахсий эркинлиги ва мол-мулки, бошқа ҳуқуқ ва эркинликларига таъжовулардан суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эга. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳам суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эгадир.



Байрамингиз билан  
табриклаймиз!

1-sentabr, chorshanba, 2021-yil.  
№34-35 (32677)



Ўзбекистон Республикаси  
Сентябр 6 — Мустақиллик куни

«Туронбанк» акциядорлик тижорат банки  
жамоаси халқимизни Ўзбекистон Республикаси  
Мустақиллигининг 30 йиллиги билан самимий  
муборакбод этади!

Ватанимиз равнақи йўлида амалга ошираётган эзгу  
ишларингизда омадлар тилайди! Юртимизни  
тинчлик, қалбларимизни шукроналик туйғулари  
асло тарк этмасин!

Тинчлигимиз барқарор,  
ҳаётимиз фаровон бўлсин!

www.turonbank.uz

## БАХТИЁРЛИК НАШИДАСИ



## ИСТИҚЛОЛИНГ МУБОРАК, АЗИЗ ВАТАНИМ!

ҲАР ГАЛГИДЕК, ГАЗЕТАМИЗНИНГ  
НАВБАТДАГИ СОНИНИ УЙГА  
ОЛИБ БОРДИМ. МАҚОЛАЛАРНИ  
ЎҚИЁТГАН ОЙИМНИНГ КЎЗИДА ЁШ  
ҚАЛҚДИ. "ТОКИОДА ЯНГРАГАН  
МАДҲИЯМСАН ВАТАНИМ!". БИР  
САРЛАВҲАНИ ЎҚИБ ЙИҒЛАСАЛАР,  
БИР ОЛИМПИАДАДАГИ  
ЮТУҚЛАРИМИЗДАН,  
СПОРТЧИЛАРИМИЗНИНГ  
МЕДАЛЛАРИДАН ҚУВОНИБ  
ЎТИРДИЛАР. УЛАРНИ КУЗАТА  
ТУРИБ ВАТАН ОНАМИНГ КЎЗИДАН  
ТОМГАН АНА ШУ СЕВИНЧ ЁШЛАРИ  
ЭКАНИНИ АНГЛАЙМАН.

Ўқувчилик йилларимда синфлараро бел-  
лашув бўлди. Шартлардан бири – "Моно-  
лог" эди. Она тили ўстозим қўлимга Шари-  
фа Салимованингни "Тонгга қасам" китобини  
тутқазди:

**Ватан, мен не дейин сени онамми,  
Жоним дейми сени бўғимда турган?..  
Эркин туғросини титроқ жонимга,  
Илк бор оқсоч момом Тўмарис илган.**

...Бутун жисму жонимни титратган сатр-  
ларни баралла айтarkanман, сув куйгандек  
тиби қолган даврдан тикилган минглаб  
нигоҳларда Ватан аксини кўргандим ўшан-  
да. Устозларим, тенгдошларим, лицейдош-  
ларим бутун вужуди билан тинглаган  
Шарифа Салимованингни ушбу кечинмалари  
Ватани мадҳ этган сўзлар шодаси мисоли-  
да қалбимга бир умрга ўрнашиб олди.

Яқиндагина "Фидокорона хизматлари  
учун" ордени билан тақдирланган Ўзбеки-  
стон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева

билан 3-4 йил илгари газета учун суҳбат  
тайёрладим. Саволларим орасидан, та-  
бийки, Ватан, уни мадҳ этиш шавқи ҳам  
жой олганди. Шоиранингни жавоб тариқасида  
келтирган "Уйимиз – Ватан, оиламиз – Ва-  
тан, ҳатто уриб турган юрагимизда Ватан-  
дир! Унга бўлган меҳримизнинг поёни йўқ,  
унга аталган изҳорларимизнинг нисбати  
йўқ. Уни фақат севиш ва қадрлаш керак!",  
деган хитоблари ҳамон қулоғим остида  
жаранглайди...

Ватан ҳар бир даврда забардаст ёзув-  
чи-шоирлар томонидан мана шундай мадҳ  
этилган, шундай куйланган. Улуғланаётган,  
эъзозланаётган мана шу заминнинг тарихи-  
ни ўзининг асарларида ёрқин ифода этган  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси, тарихшунос  
олим Мухаммад Алининг китобини қўлимга  
оламан: Унинг "Мен кимман?" шеърдаги  
ушбу сатрларига кўз югуртираман:

**Замонлар ўтадир, санаб ҳар онни  
Буюк давлат бўлғай Ўзбекистоним!  
Ўшанда боболар, Аллоҳ биладир,  
Ватан манглайда мудом бўладир!**

Бугун биз Мустақиллик – эркил туғро-  
сини баланд кўтарганча қалбимизда шук-  
роналик билан Ватанимиз шодиёнасини  
нишонляймиз. Заминнинг бир парчасини  
сув босаётган, қайсидир қисмини олов-  
лар ямлаган, одамлари – халқи шунчаки  
ташлаб кетишга мажбур бўлаётган юрт-  
ларнинг аччиқ тақдирига нигоҳ ташлаб  
тинчлигимизга минг бора шукрона айта-  
миз. Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги бар-  
чамизга муборак бўлсин, дея юртдошлари-  
мизга илиқ ва самимий табриклар юбориш  
имконига эга эканимиздан бахтиёрлик  
туйғусини қалбимизда ҳис қиламиз!

Гулрух ОДАШБОВА  
"Ўзбекистон овози" муҳбири.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ  
«ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ»  
ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни,  
ҳамкасбларни  
Мустақиллигимизнинг  
30 йиллиги билан табриклайди!

Фурсаддан фойдаланиб, радиоэлектрон  
алоқа воситаларини республика  
ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома  
олиш ва ўрнатилган тартибда  
рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш  
масалалари бўйича «Электромагнит  
мослашув маркази» ва унинг вилоят  
бўлинмаларига мурожаат қилиш  
лозимлигини эслатамиз.

### Бизнинг манзиллар:

Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси,  
15-уй, телефон: (71) 202-61-69.

Андижон шаҳри, Истиқлол кўчаси, 33-уй,  
телефон: (71) 230-64-65.

Бухоро шаҳри, академик И. Мўминов  
кўчаси, 2-уй, телефон: (71) 230-64-66.

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси,  
46-уй, телефон: (71) 230-64-68.

Нукус шаҳри, Ерназар Алакўз кўчаси,  
ШАТС биноси, телефон: (71) 230-64-75.

Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 21-  
уй, телефон: (71) 230-64-78.

Навоий шаҳри, Амир Темуր кўчаси,  
4-уй, телефон: (71) 230-64-69.

Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси,  
8-«А» уй, 2-корпус, 54-хона,

телефон: (71) 230-64-72.

Самарқанд шаҳри, Сельский, Колбоғ,  
Радио шаҳарча, телефон: (71) 230-64-80.

Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 28-  
уй, телефон: (71) 230-64-79.

Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси,  
54-уй, телефон: (71) 230-64-67.

Фарғона шаҳри, Б.Марғилоний кўчаси,  
30-уй, телефон: (71) 230-64-74.

Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси,  
108-уй, 23-хона, телефон: (71) 230-64-77.






## Байрамингиз билан табриклаймиз!

1-sentabr, chorshanba, 2021-yil.  
№34-35 (32677)

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, соҳа субъектларининг эркин ва самарали фаолият юритиши учун яратилаётган кенг шароит ва имкониятлар юксак самаралар бермоқда. Президентимиз яқинда тадбиркорлар билан ўтказган очиқ мулоқотда таъкидлаганидек, энг асосийси, эл орасида ва давлат идораларида тадбиркорларга нисбатан муносабат ўзгарди, жамиятда уларнинг обрў ва мавқеи кун сайин тобора ортиб бормоқда. Натижада ички ва ташқи бозорда ўз мустақкам ўрнига, нуфузи ва брендига эга бўлган ҳақиқий тадбиркорларимиз синфи шакллана бошлади.



# БЕРУНИЙДА ШУНДАЙ КОРХОНА БОР



кириятимиз, – дейди “Беруний текстил инвест” МЧЖ раҳбари Мансуржон Мажидов. – Корхонамиз цехлари энг замонавий, илғор технология ва жиҳозлар билан таъминланган. Тўла қувват билан ишлаётгани сабабли ип-калава етказиб бериш бўйича дунёнинг қатор етакчи компаниялари билан шартномалар тузганмиз. 2017 йилдан 2020 йилгача бўлган давр мобайнида 3900 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 45 миллиард 327 минг сўмлик маҳсулот ички бозорга йўналтирилган, 5002 тонна ип-калава 10 миллион 733 минг АҚШ долларига экспорт қилинган. 2020 йилда ички бозорга 1220 тонна маҳсулот етказиб берилган ва 11 миллиард 702 минг сўм фойда қилинган. 2370 тонна маҳсулот эса 4 503 584 АҚШ долларига экспорт қилинган. Жорий йилда ҳам қатор давлатларга маҳсулотларимиз экспорти амалга оширилмоқда. Ип-каваларимизнинг сифатлиги сабабли хориждаги ҳамкорларимиз сафи кенгайиб бормоқда.

Корхона фаолияти билан яқиндан танишар эканмиз, энг сўнгги технологиялар билан жиҳозланганига ва ишчи-ходимларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур барча шароитлар яратилганига гувоҳ бўлдик. Дам олиш хоналари, ошхонада бепул тушлик ташкил этилган. 215 нафар хотин-қиз, 170 нафар эркак доимий иш ўрнига эга.

Маълумки, ҳар қандай ишнинг муваффақияти раҳбарнинг изланишига, ташаббускорлигига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Ушбу корхона директори Мансуржон Мажидов ҳақида ҳам шу фикрни билдириш мумкин. Мутахассислиги бухгалтер-аудитор бўлган бу инсоннинг бутун фаолияти тўқувчилик корхоналари билан боғлиқ ҳолда кечгани боис катта тажриба тўплаган. 2015 йилдан биз сўз юритаётган корхонага раҳбарлик қилаётган суҳбатдошимиз ўтган йиллар давомида ана шу тажрибасини амалиётда самарали қўллаб, корхонанинг ҳар томонлама юксалишида ўзини намоён эта билди.



**ЯРАТИЛАЁТГАН ИМКОНИЯТЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИБ, ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИБ БОРАЁТГАН ВА ҲУДУД ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚўШАЁТГАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҲАМ ЙИЛДАН-ЙИЛГА КўПАЙМОҚДА. ЖУМЛАДАН, БЕРУНИЙ ТУМАНИДАГИ “БЕРУНИЙ ТЕКСТИЛ ИНВЕСТ” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ХАРИДОРГИР ВА ЭКСПОРТБОП ТРИКОТАЖ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИГАН ЙИРИК КОРХОНАЛАРДАН БИРИ БўЛИБ, ИП-КАЛАВА МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАШГА ИХТИСОСЛАШГАН. ЎН ЙИЛДАН ОРТИҚ ВАҚТ МОБАЙНИДАГИ ФАОЛИЯТИ ДАВОМИДА ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИБ, САМАРАЛИ ИШЛАЁТГАН КОРХОНАНИНГ МАҲСУЛОТЛАРИ РОССИЯ, ТУРКИЯ, ХИТОЙ, БЕЛАРУС, ПОЛЬША, УКРАИНА КАБИ КўПЛАБ МАМЛАКАТЛАРГА ЭКСПОРТ ҚИЛИНАДИ.**

– Ўзим Андижонда туғилиб-ўсганман ва фаолиятим ҳам асосан Андижонда кечган, – дейди Мансуржон Мажидов. – 2015 йилда ушбу корхонага раҳбар бўлиб келгач, бор куч-ғайратимни унинг ривожини учун йўналтирдим. Мақтанишга йўлмангу, ўтган 6 йил давомида юқорида айтганимдай, яхши натижаларга эришдик. Президентимиз томонидан биз, тадбиркорларга катта имкониятлар яратиб берилмоқда. Масалан, давлатимиз раҳбари томонидан яқинда бўлиб ўтган очиқ мулоқотда экспортёр корхоналарни қўллаб-қувватлаш, кичик бизнесни экспорт фаолиятига кенг жалб қилиш бўйича янги имкониятлар белгиланди. Ўтган йили пандемия даврида тўқимачилик корхоналарига экспортдан валюта тушумини кутмасдан, қўшилган қиймат солиғини қайтариб бериш тартиби бизнинг фаолиятда ҳам ўз самарасини берди. Жорий йил 1 октябрдан ушбу тартиб барча тармоқларнинг ҳалол ва интизомли бошқа экспортёрларига нисбатан ҳам татбиқ этилади. Ушбу мулоқотда муҳтарам Президентимиз тадбиркорларни Қорақалпоғистон Республикасига таклиф қилиб, ўз бизнесларини йўлга қўйишга чақирганида ҳам катта маъно бор. Ўйлайманки, келгусида бу диёрда ҳам тадбиркорлик янада ривожланиб, мамлакатимиз иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшилади.

“Беруний текстил инвест” МЧЖ фаолияти билан яқиндан танишар эканмиз, кўнглимизга ажиб бир ёруғлик инди. Зеро, бундай корхоналарнинг кўпайиб, жаҳон бозорига тўғридан-тўғри чиқишни мақсад қилган тадбиркорлар сафи кенгаётгани юртимизда иқтисодиёт ривожини таъминлаш билан бирга, жойларда бандлик масаласини ҳал этиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Ойгул РАЗЗОҚОВА,  
журналист.

Дарҳақиқат, яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланиб, ўз фаолиятини ривожлантириб бораётган ва ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожига муносиб ҳисса қўшаётган тадбиркорлик субъектлари Қорақалпоғистон Республикасида ҳам йилдан-йилга кўпаймоқда. Жумладан, Беруний туманидаги “Беруний текстил инвест” масъулияти чекланган жамияти харидоргир ва экспортбоп трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган йирик корхоналардан бири бўлиб, ип-калава маҳсулотларини ишлашга ихтисослашган. Ўн йилдан ортиқ вақт мобайнидаги фаолияти давомида жадал ривожланиб, самарали ишлаётган корхонанинг маҳсулотлари Россия, Туркия, Хитой, Беларус, Польша, Украина каби кўплаб мамлакатларга экспорт қилинади. Ҳозирда 385 нафар ишчи-ходим фаолият юритган корхонада йилнинг ўтган даври давомида биргина Хитой мамлакатига 3,5 миллион АҚШ доллари миқдорига экспорт амалга оширилган.

– Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тўлиқ экспорт қилиниши кўзда тутилган бўлиб, бу борада сезиларли натижаларни қўлга



Реклама хуқуқи асосида.

Байрамингиз билан  
табриклаймиз!




1-sentabr, chorshanba, 2021-yil.  
№34-35 (32677)



Микрокредитбанк акциядорлик  
тижорат банки жамоаси  
Сизни барчамиз учун энг улуғ  
ва энг азиз байрам бўлган  
Ўзбекистон Республикаси  
давлат Мустақиллигининг  
30 йиллик шодиёнаси билан  
чин юракдан муборакбод  
этади. Сиз ва оилангизга  
сиҳат-саломатлик, омад ва  
муваффақият тилаймиз.  
Азиз ва ягона жонажон  
Ўзбекистонимиз тинч,  
осмонимиз мусаффо бўлсин.



Хизматлар лицензияланган.



Хоразм вилояти

## «MAXSUS SUV GAZ MONTAJ QURILISH»

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

мамлакатимиз аҳлини халқимиз  
ҳаётидаги бебақо байрам —  
Мустақиллик куну билан табриклайди!



Реклама ҳуқуқи асосида.



*Байрамингиз билан  
табриклаймиз!*



1-sentabr, chorshanba, 2021-yil.  
№34-35 (32677)



**«14-SON RELS PAYVANDLASH  
POEZDI UNITAR KORKONASI»**

**ЖАМОАСИ**

*мамлакатимизнинг барча фуқароларини  
республикамиз Мустақиллигининг  
30 йиллиги билан муборакбод этади.  
Серқуёш диёримизнинг осмони мусаффо,  
истиқболи порлоқ, сарҳадлари  
тинч ва осуда бўлсин.*



**«САЛОР ТЕМИР ЙЎЛ  
МАСОФАСИ»**

**ЖАМОАСИ**

*Ватандошларимизни ҳамда барча темир-  
йўлчиларни Истиқлолнинг 30 йиллик  
айёми билан табриклайди!  
Серқуёш юртимизнинг ҳурлиги  
мангу, хонадонларимиз  
дастурхони тўкин, турмуши  
фаровон бўлсин.*



**«ХОРАЗМ HUDUDIY ELEKTR TARMOQLARI»**

**акциядорлик жамияти жамоаси**

*мамлакатимиз меҳнаткашларини  
Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги  
билан қизғин ва самимий  
муборакбод этади.*





Байрамингиз билан  
табриклаймиз!



1-sentabr, chorshanba, 2021-yil.  
№34-35 (32677)

**AGROBANK**



**AZIZ VATANDOSHLAR!**  
**“AGROBANK”**  
**JAMOASI SIZLARNI ENG ULUG‘, ENG**  
**AZIZ BAYRAM — O‘ZBEKISTON**  
**RESPUBLIKASI MUSTAQILLIGINING**  
**30 YILLIK SHODIYONASI BILAN**  
**SAMIMIY MUBORAKBOD ETADI!**  
**HAMISHA YURTIMIZ TINCH VA OSUDA,**  
**DASTURXONLARIMIZ TO‘KIN,**  
**OSMONIMIZ MUSAFFO BO‘LSIN!**

AgrobankChannel  
Agrobankuzbekistan  
Download on the App Store  
GET IT ON Google Play

www.agrobank.uz  
тел.: (+998) 71 203-88-88  
Хизматлар лицензияланган

**TILLO DOMOR**

**«TILLO DOMOR»**  
хусусий корхонаси жамоаси

юртдошларимизни энг улуг айём —  
Мустақилликнинг 30 йиллиги билан табриклайди.



Реклама ҳуқуқи асосида.

**O'zbekiston ovozi**

**Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV**

Navbatchi: **Ravshan SHODIYEV**  
Sahifalovchi: **Bekozod ABDUNAZAROV**

Г — 941. 20294 nusxada bosildi.  
Nashr ko'rsatkichi — 220.  
t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —  
Topshirilgan vaqti — 02:20.

E-mail: [info@uzbekistonovozi.uz](mailto:info@uzbekistonovozi.uz)

**MANZILIMIZ:** 100000, Toshkent, Bunyodkor ko'chasi, 50 «A»-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida  
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi  
bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

ISSN 2010-7633



Gazetaning elektron sahifasiga  
utish uchun QR-kodni telefoningiz  
orqali skaner qiling.

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

**MUASSIS:**



O'ZBEKISTON  
XALO DEMOKRATIK  
PARTIYASI  
MARKAZIY KENGASHI

**TAHRIR HAY'ATI:**

Ulug'bek INOYATOV  
Ulug'bek VAFOYEV  
Maqsuda VORISOVA  
Qalandar ABDURAHMONOV  
Guliston ANNAQILICHEVA  
Muslihiddin MUHIDDINOV  
Hayotxon ORTIQBOYEVA  
Shuhrat ISLOMOV  
Toshtemir XUDOYQULOV